БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 153 (19.229). ● 1985 йил 6 июль, шанба ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

М. С. ГОРБАЧЕВ П. Э. ТРЮДО БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

5 июлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Канаданинг таниқли сиёсий арбоби, собиқ Бош министри П. Э. Трюдони қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат давомида ҳозирги халқаро вазиятнинг бир қанча ўткир проблемалари, шу проблемаларнинг ҳал этилмаганлиги барча қитъалардаги мамлакатлар, жумладан, Совет Иттифоқи ва Канада жамоатчилиги кенг доираларини ташвишга солаётганлиги хусусида фикрлашиб олинди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқи ядро уруши хавфини даф қилиш, қуролланиш пойгасининг космосга чиқарилишига йўл қўймаслик ва Ердаги шундай пойгани тўхтатиш, ядро қуролини батамом ва ҳамма жойда тугатишга ўтишни таъминлаш йўлида изчил куч-ғайратлар сарфлаётганлигини уқтириб ўтди. П. Э. Трюдо қуролланиш пойгасини, айниқса, унинг энг хатарли соҳалари — ядро ва космик йўналишдаги қуролланиш пойгасини тўхтатиш, барча поғоналарда ишонч, ҳамкорлик, кенг ва аниқ-равшан мулоқотни кучайтириш барча халқларнинг туб манфаатларига мос тушган бўлур эди, деб айтди.

(ТАСС).

ФАН БИЛАН МЕҲНАТ ИТТИФОҚИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

5 июль куни Тошкентда республика партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, халқ депутатлари область, шаҳар, район Советлари ижроия комитетларининг раислари, министрлар ва давлат комитетларининг раислари, совет ва касаба союз ходимлари, илмий-ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг, илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа институтларининг, олий ўқув юртларининг раҳбарлари ва бош мутахассислари, илғор ишчилар ва колхозчилар, ишлаб чиқариш новаторлари иштирок этдилар. Йиғилишда матбуот, радио ва телевидение вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев «КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгаш якунлари ва республика партия ташкилотининг вазифалари» мавзуида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Навоий цемент заводининг директори Т. Х. Тошўлатов, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳ. Ҳамидов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Ҳабибуллаев, «Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг бош директори И. Х. Мусин, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. И. Икромов, Тошкент политехника институтининг ректори К. С. Аҳмедов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Антонов, Андижон область ижроия комитетининг раиси Ж. Ҳ. Ҳасанов, Ўзбекистон ССР Госстройи раиси Ш. У. Ҳайдарова, Андижон машинасозлик заводининг слесари В. И. Тимохин, Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехникасининг раиси М. Э. Эгамбердиев, «Узгипротяжпром» институтининг директори Н. Ҳ. Ҳикматуллаев, Сурхондарё область Ленин йўли район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Б. Ж. Жўрақулов, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Наманганда абрли газламалар комбинатининг директори С. Т. Тўхтабоев, Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг (САИМЭ) директори А. Х. Ҳожиев қатнашдилар.

Партия-хўжалик активининг йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, К. Саликов, Ҳ. А. Шоғазатов, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров иштирок этдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. Н. Лаврентьев қатнашди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН КЕНГАШ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ доклади

Ўртоқлар!

Мамлакатимиз социал-иқтисодий ривожланишининг масъулиятли босқичига қадам қўйди. Барча совет кишилари каби республика меҳнаткашлари олдида ҳам мураккаб, сифат жиҳатидан янги, аммо олижаноб вазифалар турибди. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларида, яқинда КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиёти масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашда аниқ-равшан белгилаб берилди.

Кенгашда кўтарилган бу проблемалар кенг кўламлилиги, янгилиги жиҳатидан кўп соҳаларни қамраб олганлиги жиҳатидан мамлакатимиз турмушидаги энг муҳим иж-тимоий-сиёсий воқеалар қаторида жуда катта ўрин олади. Келгусида революцион ўзгартишлар қилиниши лозим. Бу ўзгартишлар экономиканинг ҳамма тармоқларини, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўз ичига олади, совет кишиларининг турмушини янада яхшилайди ва кўркамлаштиради.

КПСС Марказий Комитети 1985 йил июль Пленумининг ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети учинчи сессиясининг қарорлари Коммунистик партия билан Совет давлати халқ фаровонлиги тўғрисида, совет сиёсий системаси ҳамма бўғинларини активлаштириш ҳақидаги тинимсиз ғамхўрлигининг янги далилидир.

«Жаҳон тараққийпарвар жамоатчилигининг кўз ўнгида Совет Иттифоқи одамлар асрий социал орзу-умидларининг мужассам тимсоли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев. — Ў ўз экономикасини энг юксак даражада ташкил этиш, энг юксак самарадорлик наму-наси ҳам бўлиши керак».

Партия фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни мамлакат халқ хўжалигини тубдан юксалтиришнинг асосий, бирдан-бир тўғри йўли деб билади. Бу — энг муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга молик вазифадир. КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда таъкидланганидек, бу вазифани ҳал этиш ҳеч кечиктириб бўлмайдиган умумпартия, умумхалқ ишидир.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг шу кенгашдаги доклади билан ҳаммангиз яхши танишсиз. Докладда ривожланишимизнинг энг чуқур, энг зарур проблемалари қўйилган. Бунда гап аввало стратегик муҳим соҳаларда тезроқ олға силжиш ҳақида, социал проблемаларни янада тўла-тўкис ҳал қилиш тўғрисида, ривожланишимизнинг принципларини рўёбга чиқаришга янгича ёндашиш ҳақида бормоқда. Қайта қуришнинг бош йўналиши социалистик хўжалик афзалликларидан янада чуқурроқ ва ҳар тарафлама фойдаланишдан иборат.

Яқинда Сиёсий бюро кенгаш якунларини кўриб чиқди, уларни якдиллик билан маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди. Шу тариқа унинг ғояларига, хулосаларига, амалий тадбирларига партиявий ҳужжат кучи бахш этилди, шу тариқа биз ишимизнинг навбатдаги, янада муҳимроқ босқичига — ишлаб чиқилган стратегияни рўёбга чиқариш соҳасидаги амалий фаолият босқичига кирдик.

Бугун биз КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда ишлаб чиқилган қоидаларни турмушга амалий равишда татбиқ этиш масалаларини кенг миқёсда, чуқур ва атрофлича муҳокама қилиш, шу йилги ва умуман беш йиллик планларни муваффақиятли тугаллашга оид вазифаларни равшанлаштириб олиш учун тўпландик.

Биз экономикани ривожлантиришда янги марраларга эришиш учун курашни авж олдирар эканмиз, юксак даражада ривожланган фан-техника потенциалига таянамиз. Бу потенциал кўп тармоқли саноатнинг юксалган миқёслари билан, агросаноат комплексини узлуксиз ривожлантириш билан, қудратли қурилиш индустрияси, илмий муассасалар, конструкторлик ташкилотлари ва ўқув юртларининг кенг тармоқли шохобчаси билан ажралиб туради. Халқ хўжалигида бир миллион уч юз минг олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассис меҳнат қилмоқда.

Ҳозир экономикамизнинг асосий фондлари 74 миллиард сўмликдан ошиб кетди. Саноатда 1500 тадан кўпроқ корхона, бирлашма, шу жумладан салкам 240 та комплекс механизациялашган ва автоматлашган корхона ишлаб турибди.

Ўн биринчи беш йиллик даврида саноатдаги ялпи маҳсулот ҳажми қарийб 18 процент, қишлоқ хўжалигида 11 процент кўпайди. Миллий даромаднинг илдам ўсишига эришилди. Кўпгина министрликлар, бирлашмалар, корхоналар белгиланган топшириқларни ва шартномавий мажбуриятларни бажармоқдалар. Республиканинг 30 мингдан кўпроқ меҳнатчиси беш йиллик планлар барвақт бажарилганлиги ҳақида рапорт берди.

Ҳамма жойда салбий ҳодисаларга қарши авж олдириб юборилган кураш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга, кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришга қаратилган қатъий ва изчил йўл экономикани ривожлантиришдаги кўрсаткичларни яхшилашга самарали таъсир қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини амалга ошириш давомида партия, совет, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва хўжалик органларини партияга садоқатли, ҳалол кишилар билан мустаҳкамлаш юзасидан қатъий чоралар амалга оширилмоқда. Жамият манфаатларига зид ҳодисаларга, айниқса мансабдор шахсларнинг жиноятларига қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда.

Вазиятни соғломлаштириш юзасидан ўтказилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар меҳнат коллективларини ишдаги ғайрат-шижоатни оширишга, мавжуд резервлардан янада тўла-тўкис фойдаланишга сафарбар этмоқда. Кўпгина суниистеъмолларнинг илдизлари тугатилмоқда, ижобий силжишлар юзага келиб, ўзига йўл очиб бормоқда.

Йилнинг биринчи ярми якунларига қараганда, республика саноати олти ойлик планни муддатидан аввал — 27 июнда бажарди. Йил бошланганидан бери биринчи марта индустриямиз ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг йиллик планда кўзда тутилган суръатидан ўзиб кетди ва бу кўрсаткич 7,4 процентга етди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари йиллик топшириқдаги 3,4 процент ўрнига 4,7 процент ошди.

Қурувчилар иш суръатларини жадаллаштирмоқдалар. Янги Қўқон химия, Тошкент шоли заводларида, Бухоро тўқимачилик комбинатининг Ҳазораспдаги филиалида қурилиш ишлари тугалланиб, дастлабки маҳсулот олинди. Мактаблар, болалар муассасалари ва касалхоналар ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан кўпроқ қурилди, уй-жойларни фойдаланиш учун топириш, янги ерларни ўзлаштириш мароминнинг даражаси юксалди.

Транспорт, алоқа, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари меҳнатчилари ўз куч-ғайратларини оширмоқдалар.

Агросаноат комплексида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Комплекс ходимларининг Озиқ-овқат программасини амалга оширишда республиканинг ҳиссасини кўпайтириш учун масъулияти кучайтирилмоқда.

Яқинда пиллачилар мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлиги тўғрисида рапорт беришди. Улар 32 минг тоннадан кўпроқ пилла тайёрлашди. Беш йиллик бошланганидан буён Ватан топширириққа қўшимча равишда 15 минг тоннадан кўпроқ қимматли хом ашё олди. Бироқ олға томон боришимизга халақит бераётган камчиликлар ва танг жойлардан қутулишга, ҳамма резервларни қидириб топиб, ишга солишга муваффақ бўлганимизда янада яхшироқ ишлашимиз ва кўпроқ натижаларга эришишимиз мумкин бўлур эди.

Аввало асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни анча яхшилаш зарур, бу фондлар беш йиллиқнинг тўрт йили мобайнида 30 процент кўпайди. Республикада хўжалик юритишни яхшироқ ташкил этиб, салмоқли натижаларга эришаётган бирталай меҳнат коллективлари бор. Чирчиқдаги нефтни қайта ишлайдиган, химия асбоб-ускуналари, трансформаторлар ишлаб чиқарадиган заводларда, Тошкент чинни заводида қувватлардан тўла-тўкис фойдаланилмоқда.

Бироқ ҳамма жойда ҳам иш кўнгилдагидек эмас. Ишлар таҳлили асосий фондларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган самарадорлик ошмаётганлигини кўрсатиб турибди. Бир қанча янги ва ҳатто ишлаб турган корхоналар ҳам узоқ вақтгача лойиҳа кўрсаткичларига эриша олмаяпти.

Биздаги ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳали замонавий талабларга мос келмаяпти, суст ошмоқда. Характерли бир мисол келтирмоқчиман. Беш йиллик бошланганидан бери Жиззах областини ривожлантиришга бир ярим миллиард сўм даллат капитал маблағи сарфланди, 30 та корхона қурилди, 40 минг гектар янги суғориладиган ер фойдаланиш учун топширилди. Хўш, сарфланган маблағдан қандай самара олинмоқда? Тўрт йил мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми атиги 16 процент ошди. Меҳнат унумдорлиги ўсмаяпти, фондларнинг самарадорлиги камайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги камайиб кетди.

Вужудга келган аҳволнинг сабаби шуки, Жиззах область партия комитети билан область ижроия комитети ҳали экономикани интенсивлаш изига кўчиришга чинакамига киришганлари йўқ, ҳамма участкаларда масъулият, ишчанлик ва тартиб қарор топишига эришганлари йўқ. Бу ердаги бош вазифа шундан иборатки, юқоридан пастгача барча кадрларнинг фикр-ўйлари ва кайфиятларида бутун чоралар билан бурилиш қилиш, уларнинг бутун диққат-эътиборини энг муҳим иш — фан-техника тараққиётига қаратиш керак.

Шундай қилинмас экан, биз кўнгилдагидек натижаларга эриша олмаймиз. Енгил саноатнинг янги корхоналари иши ҳам шуни тасдиқлаб турибди. Биз бу корхоналарни қуришга киришиб, ўз вақтида яхши иш бошладик. Республикада корхоналарнинг 66 та филиали барпо этилди. Бу ишга 400 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Бироқ самарадорликка эришилмаяпти. 1982 йилда ишга туширилган Беруний, Тўрткўл, Хўжайли йигирув-тўқув фабрикалари ўз қувватининг 30—40 проценти даражасида ишламоқда. Комбинатларнинг Бешариқ, Чинобод ва Яккабоғдаги филиаллари эса иш билан бундан ҳам камроқ таъминланган.

Вужудга келган аҳвол учун Енгил саноат министрлиги билан бир қаторда область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари, шунингдек шу корхоналар жойлашган территориялардаги шаҳар, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари ҳам баравар жавобгардирлар. Ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида дуруст ғамхўрлик қилинмаётганлиги ишдаги камчиликларнинг сабабларидан биридир.

Халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида шундай мисоллар бор. Биз бунга ортиқ тоқат қила олмаймиз. Ишни зудлик билан яхшилаш зарур. Вазифа шундан иборатки, ҳамма министрликлар, идоралар, ҳар бир корхона ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар. Партия, совет органлари илғор тажрибани доимо ўрганишлари, умумлаштиришлари ва актив жорий қилишлари, бу ишдаги нуқсонлар учун қаттиқ жавоб талаб қилишлари лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

КОСМОС ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

М. С. ГОРБАЧЕВнинг «Ташвишланаётган олимлар союзи» Мурожаатномасига жавоби

Муҳтарам Кендалл жаноблари,

«Ташвишланаётган олимлар союзи» номидан космик қуролни тақиқлашга даъват этувчи сиз йўллаган мурожаатномани олдим. Қуролланиш пойгасини космик фазога ёйиш, космик фазони ҳарбий рақобат майдонига айлантириш инсоният учун нақадар хавфли оқибатлар келтириб чиқаришини кўпгина бошқа кишиларга нисбатан равшанроқ тушуниб етадиган таниқли илм-фан намояндаларининг фикрига чуқур ҳурмат-эҳтиром билан қарашимни айтмоқчиман.

«Ташвишланаётган олимлар союзи» космик фазо ҳарбийлаштирилишининг олдини оладиган, космик фазони тинч ҳамкорлик қилиш учун очиқ қолдирадиган аниқ ва қатъий сиёсий қарор қабул қилинишини асосли равишда талаб этаяпти. Дарҳақиқат, бу проблема дадил ёндашувни тақозо этади. Бу ерда кечаги қуннинг мезони, бирёқлама наф кўриш ва афзалликлар ҳақидаги тор, бунинг устига хом хаёл тасаввурларни қўлланиб бўлмайди. Бугунги кунда бирдан-бир тўғри қарорга келиши ва уни қабул қилиши мумкин бўлган кишилар ўз зиммаларидаги масъулиятдан қочаётган эканлар, биз эртанги кунда муқаррар дуч келадиган реал воқеликлар ва хавф-хатарларни тушуниб етишга асосланган узоқни кўра билувчи сиёсат ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Совет раҳбарлари номидан аниқ ва равшан айтиб қўймоқчиманки, Совет Иттифоқи космосга қурол кўтариб биринчи бўлиб қадам ташламайди. Биз ядро уруши хавфини муқаррар кўпайтирадиган, ҳамма йўналишларда назоратсиз қуролланиш пойгасига туртки берадиган қалтис қадам ташламасликка бошқа мамлакатларни, аввало Америка Қўшма Штатларини ҳам ишонтирмоқ учун ҳам куч-ғайратимизни сарфлайверамиз.

Совет Иттифоқи мана шу мақсадлардан келиб чиқиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига муҳим таклиф — космик фазода ва космосдан туриб ерга нисбатан куч ишлатишни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини киритганлиги сизларга маълум бўлса керак. АҚШ шу таклифни қўллаб-қувватлаб чиққан катта кўпчилик давлатларга қўшилганида космик қурол тўғрисидаги масалани бутунлай ва батамом олиб ташлаш мумкин бўлур эди.

Ядро ва космик қуроллар юзасидан Женевада ўтказилаётган Совет — Америка музокараларида зарбдор космик системалар яратишни, уларни синаб кўриш ва жойлаштиришни тамомила тақиқлаш тўғрисида аҳдлашиб олишга ҳаракат қиляпмиз. Бундай тақиқлаш космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш учун, тадқиқотлар олиб бориш ва илмий кашфиётлар қилиш учун сақлашга имкон беришидан ташқари ядро қуролини кескин камайтириш ва бутунлай тугатиш жараёнини бошлашга ҳам имкон берган бўлур эди.

Биз Қўшма Штатларга яхши ибрат бўларли бирёқлама қадамлар ҳам қўйиб кўрдик. Совет Иттифоқи жорий этган космик фазога ер сунъий йўлдошларига қарши қурол чиқаришни тақиқлаш икки йилдан буён амал қиляпти, бошқа давлатлар шу тахлитда иш тутмагунча бу тақиқлаш амалда бўлаверади. Иккала томон ер сунъий йўлдошларига қарши янги воситаларни яратиш борасидаги ишларни тамомила тўхтатиш, СССР ва АҚШда мавжуд бўлган шундай воситаларни, шу жумладан ҳали синовлари ниҳоясига етмаган воситаларни тугатишга қаратилган таклифимиз Вашингтондаги стол устида ётибди. АҚШ маъмурияти қандай қарорга келишни афзал билишини яқин фурсатда Америка томонининг хатти-ҳаракатлари кўрсатиб беради.

АҚШ ракетага қарши мудофаа системаларини чеклаш хусусида муҳлатсиз шартнома режимига содиқлигини СССР билан бирга зиммасига мажбурият юклайдиган шаклда тасдиқлашга рози бўлса, стратегик барқарорлик, ишонч шубҳасиз мустаҳкамланган бўлур эди. Совет Иттифоқи зарбдор космик қуролларни, катта кўламдаги ракетадан мудофаа системасини, шунингдек бундай мудофаа негизларини яратмаяпти, шартномадаги мажбуриятларига умуман ва хусусан қатъий амал қиляпти, шу жуда муҳим ҳужжатнинг руҳи ва ҳарфига сўзсиз риоя этяпти. Биз бу ишда Америкаларнинг раҳбарлари бизга қўшилишларини, ядро қуролларини чеклаш бутун жараёнининг асосий бўғини бўлмиш шу ҳужжатни бузишга муқаррар олиб борадиган космосни ҳарбийлаштириш режаларидан воз кечишни таклиф қиламиз.

СССР ҳар икки томонда шу тарихий мақсадга эришиш учун сиёсий ирода, самимий истак бўлганидагина космосда қуролланиш пойгасига йўл қўймаслик вазифасини амалий ҳал этиш ва ерда шундай пойгани тўхтатиш мумкинлигига асосланади. Совет Иттифоқида шундай истак ва шундай ирода бор.

«Ташвишланаётган олимлар союзи»га, унинг барча аъзоларига тинчлик ва тараққиёт йўлидаги олижаноб фаолиятларида муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан

М. ГОРБАЧЕВ.

* * *

Америкадаги АҚШ миллий фанлар академиясининг аъзоларидан бир неча юз атоқли олимларни бирлаштирувчи таниқли жамоат ташкилоти — «Ташвишланаётган олимлар союзи» яқинда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевга ва АҚШ президенти Р. Рейганга мурожаат этиб, уларни СССР билан АҚШ космик қуролларни яратиш ва синашни батамом тақиқлаш тўғрисида аҳдлашиб олишга ва бу орада Ер сунъий йўлдошларига қарши қурол синовларини икковлари ҳам тақиқлашга ҳамда ракетадан мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида 1972 йилда тузилган шартномага содиқ эканликларини тасдиқлашга чақирган эди.

(ТАСС).

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1985 йил май—июнь ойларида ем-хашак тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Сирдарё области. Бу область хашак тайёрлаш йиллик планини 54 процент, пичан тайёрлаш планини 64 процент бажарган, энг кўп ўсишга эришган ва ҳар бош шартли мол ҳисобига 8,3 центнер озуқа бирлиги тайёрлашни таъминлаган;

Самарқанд области Каттақўрғон райони. Бу район хашак тайёрлаш йиллик планини 72 процент, пичан тайёрлаш планини 35 процент бажарган, витаминли ўт талқони ишлаб чиқаришни 22 процент таъминлаган, июнь ойида емхашак тайёрлашда энг кўп ўсишга эришган;

Жиззах областининг Ғаллаорол райони. Бу район хашак тайёрлаш йиллик планини 64,5 процент, пичан тайёрлаш планини 71 процент, витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш планини 39 процент бажарган;

Сирдарё областининг Ворошилов райони. Бу район хашак тайёрлаш йиллик планини 60 процент, пичан тайёрлаш планини 61 процент, витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш планини 9 процент бажарган;

Наманган область, Чуст районидаги «1 Май» колхози. Бу колхоз хашак тайёрлаш йиллик планини 111 процент, пичан тайёрлаш планини 74 процент бажарган;

Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхоз. Бу колхоз хашак тайёрлаш йиллик планини 104 процент, пичан тайёрлаш планини 54 процент бажарган;

Тошкент область, Оҳангарон районидаги «Ғалақудуқ» саноат комплекси совхози. Бу совхоз хашак тайёрлаш йиллик планини 101 процент бажарган, витаминли ўт талқони ишлаб чиқаришни 57 процент таъминлаган;

Сурхондарё область, Олтинсой районидаги Чкалов номли совхоз. Бу совхоз хашак тайёрлаш йиллик планини 95 процент, пичан тайёрлаш планини 42 процент бажарган.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

4 июль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов билан ЮСФР Иттифоқ Ижроия Вечасининг Раиси М. Планинц ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар чоғида Совет — Югославия муносабатларига оид кенг доирадаги масалалар, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи халқаро масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Совет ҳукумати Катта Кремль саройида М. Планинц шарафига зиёфат берди. Зиёфатда М. Планинц билан бирга унга ҳамроҳлик қилаётган югославиялиқ расмий кишилар бор эдилар.

Совет томонидан зиёфатда Н. А. Тихонов, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, К. В. Русаков ўртоқлар, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Самимий, дўстона вазиятда ўтган зиёфатда Н. А. Тихонов билан М. Планинц нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди. (ТАСС).

М. ПЛАНИНЦНИНГ СССРда БЎЛИШИ

ЮСФР Иттифоқ Ижроия Вечасининг Раиси М. Планинц 5 июль куни Москвадан Тамбовга жўнаб кетди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан мамлакатимизда турибди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ЎРТОҚ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ ДОКЛАДИ

(Боши биринчи бетда).

Қувватлардан самарали фойдаланиш учун кураш вақтинчалик кампания эмас. Бу — халқ хўжалиги соҳасидаги катта вазифа бўлиб, бизнинг олға томон қиладиган ҳаракатимиз кўп жиҳатдан шу вазифанинг бажарилишига боғлиқ. Биз ўсиш суръатлари ой сайин жадаллашиб борадиган тарзда ишлашимиз керак. Меҳнат унумдорлиги соҳасидаги ишларнинг аҳволи бизни асло қониқтирмайди.

Министрликлар, идоралар, корхоналарнинг янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, қўл меҳнатини қисқартириш соҳасидаги иши қониқарсизлиги, меҳнат унумдорлиги сust ўсаётганлигининг асосий сабабидир. 79 та министрлик ва идорадан 66 таси техника тараққиёти юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқларини бажармади. Жорий қилинган ишларнинг 47 проценти эса ҳеч қандай наф бермади. Бу гап асосан Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигига, Бинокорлик материаллари саноати министрлигига, Госкомсельхозтехникага, Қишлоқ хўжалиги министрлигига таллуқлидир. Маҳамадалиев, Исаев, Эгамбердиев ва Икромов ўртоқлар фан-техника тараққиётига нисбатан шундай муносабатда бўлинаётганлиги учун нега жавоб бермадилар? Корхоналарнинг 50 проценти умуман янги техника ва илғор технологияни жорий қилмаётганлиги ҳам эътиборга олинса, республикада меҳнат унумдорлиги нега сust ўсаётганлиги равшанлашади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети энди эскичасига ишлаб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Баъзи раҳбарлар оғизда янги техникани жорий этиш тарафдори эканликларини айтсалар ҳам, амалда бу иш билан чуқур ва жиддий шуғулланмаяптилар. Биз ҳаммамиз фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда туб бурилишга эришишимиз лозим. Янги техника ва илғор технологияга таяниш меҳнат унумдорлигини тез ўстиришнинг энг асосий омили бўлиб қолиши керак. Биз бу йўлда сабот билан ишлашимиз лозим. Бизда намуна олса арзийдиган корхоналар бор. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинатида, Наманган абрли газламалар комбинатида, Тошкент самолётсозларида мароқли иш тажрибаси ортирилган. Уларнинг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш партия комитетлари нинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Фан-техника революциясини амалга оширишда **машинасозлик** энг муҳим роль ўйнайди. Илм-фанни ишлаб чиқариш билан бирлаштириш, унга илғор ғояларнинг таъсирини ўтказиш амалда машиналар ва технология орқали рўёбга чиқади. Республика машинасозлиги корхоналарининг катта группаси бор.

Аммо саноатнинг шу энг муҳим тармоғи имкониятларидан ҳозирча яхши фойдаланилмаяпти, кўпгина машиналарнинг техникавий даражаси ва сифати хусусида жуда жиддий таъналар айтилмоқда. Пахтакорлар 100 от кучига эга бўлган янги тракторга кўпданоқ мунтазир бўлиб турибдилар, аммо Тошкент трактор заводида уни кўплаб ишлаб чиқариш пайсалга солинмоқда.

Культиваторлар, сеялкалар, чанглагич-пуркагичлар, кўрак чувиш машиналари, пахтани қайта ишлаш техникаси сифатини анча ошириш керак. Бегона ўтлар илдизини олиб ташлайдиган, кундаков қилиб майдалайдиган машина-механизмлар узоқ вақтдан бери ишлаб чиқарилмаяпти.

Эҳтиёт қисмлар проблемаси ҳамон ўткир бўлиб турибди. Масалан, культиваторларнинг иш органларига бўлган ҳақиқий эҳтиёжнинг атиги 60—70 проценти, чанглагич-пуркагичлар иш органларига бўлган эҳтиёжнинг эса ярмидан ҳам камроғи қондирилмоқда.

Ўз ишларини сust қайта қураётган бирлашмаларнинг раҳбарлари Сафаров, Макашев ўртоқлар ишдаги бу камчиликлар учун жавоб беришлари керак.

Яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Фан-техника тараққиёти ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда **технологиянинг** ролини беқиёс оширди. Ҳозир кимки илғор технологиядан фойдаланаётган бўлса, техника тараққиёти калитини қўлга киритиб олишини турмуш яққол кўрсатиб турибди.

Янги машиналар ва қурилмаларнинг технология даражаси ҳамма ёқда юқори эмаслиги уларни ўзлаштиришда кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқармоқда, десак муболаға бўлмайди. Ҳатто энг яхши техник кучларни ўзида бирлаштирган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам қўл меҳнати улушини камайтиришга, маҳсулот сифатини оширишга тузукроқ таъсир ўтказмаяпти. Ў қайта ишлаш марказлари, қайтадан йўлга қўйиладиган роботлаштирилган комплекслар асосида эпчил ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш билан етарли равишда шуғулланмаяпти.

Кеча кенгаш қатнашчилари авиация ва трактор ишлаб чиқариш бирлашмаларида бўлиб, шундай техника билан танишдилар. Эндиги вазифа бу соҳадаги ишни кучайтиришдан иборат. Бу соҳадаги кўп нарса партия ташкилотларининг инсон омили деб аталган воситани — кадрларнинг ғайрат-шижоатини, истеъдодини, юксак малакасини ҳаракатга келтира билиш маҳоратига ҳам боғлиқ.

Ишлаб чиқаришни интенсивлашда **ҳисоблаш техникасининг** роли жуда катта. Республикада 200 тадан кўпроқ ҳисоблаш маркази, 160 та автоматлаштирилган бошқарув системаси ишлаб турибди. Улардан Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигида, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида самарали фойдаланилмоқда.

Бироқ бошқача мисоллар ҳам бор. 1981 йилда «Узбекзолото» ишлаб чиқариш бирлашмасида автоматлаштирилган бошқарув системаси ишга туширилган эди. Буюртмачи уни жорий этишдан каттагина наф олишини ҳисоблаб чиқиб тасдиқлаган. Аммо бу система ишлатилмай турибди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигида ҳам шундай аҳвол рўй берди. «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» тикувчилик бирлашмасидаги ЭҲМ суткасига 2,5 соат ишлатилмоқда. Ҳисоблаш техникасидан фойдаланишда қатъий тартиб ўрнатиш, ҳамма машиналар иш билан тўла-тўкис таъминланишига эришиш лозим.

Кадрлар тайёрлаш масалаларини ҳам ҳал қилиш керак. Компьютер соҳасидаги умумий саводхонлик проблемаси — халқ хўжалиги учун катта **аҳамиятга молик** проблемадир. Республика халқ хўжалигидаги барча мутахассисларни ЭҲМдан фойдаланиб ишлашга ўргатишнинг кенг ва пухта системаси зарур.

Госплан, Госстрой, Фанлар академияси ҳисоблаш техникасини қўлланиш халқ хўжалигидаги вазифаларни ҳал этишга катта таъсир ўтказадиган тарздаги иқтисодий механизмни вужудга келтиришни энг муҳим вазифа деб ҳисоблашлари лозим.

Фан ва техника ютуқларини жорий этиш **капитал қурилиш** суръат ва сифатларига, унинг техникавий даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Кейинги йилларда республикада бир қанча йирик саноат корхоналари ва ишлаб чиқаришлар қурилди ва ишга туширилди. Улар орасида Бекобод металлургия заводидаги электр ёрдамида пўлат эритиш ва узлуксиз қуйиш ишлаб чиқариши, Советободдаги кабель заводининг биринчи навбати, Андижон тўқимачилик комбинати ва бошқа корхоналар бор. Бу корхоналар серунум машина-ускуналар билан таъминланган, уларда жаҳон стандартлари даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган илғор технология жорий қилинган. Капитал маблағларнинг умумий ҳажмида корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш харажатларининг улуши ошиб бормоқда, бу эса камроқ чиқим қилиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Қурилиш ишларининг техникавий даражаси ошмоқда. Қурилишнинг йиғмалик даражаси тўрт йил мобайнида 11 процент кўпайиб, ҳозир 38 процентга етди. Уй-жой биноларининг ярмидан кўпи йирик панеллардан қурилмоқда. Ишларнинг ярмида бригада хўжалик ҳисоби усули қўлланилмоқда.

Аммо капитал қурилишнинг аҳволи ҳамон ниҳоятда жиддий бўлиб қолмоқда. Лойиҳалаш ва қурилиш пайтида қолоқ технология ҳамда маънавий эскирган ускуналардан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Чимбой ва бошқа ғишт заводлари, тўқимачилик комбинатларининг бир қанча филиаллари, уй-жой, социал-маданий-маиший объектлар қурилишида худди шундай бўлди. Давлат экспертиза органлари ҳар уч лойиҳадан бирини мукаммаллаштириш учун лойиҳа ташкилотларига қайтариб юбормоқдалар.

«УзНИИПградострой т е л ь с т в а» (директори ўртоқ А. В. Ғаниев), «ТашНИИстромпроект» (директори ўртоқ С. И. Иброҳимов), «Ташгипрогор» (директори ўртоқ Г. В. Шахсуварян) институтларига айниқса кўп лойиҳалар қайтариб берилди. Министрликлар, идоралар, Госстрой, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотлари лойиҳалар сифатини баҳолашга талабчанлик билан ёндашишлари, бу лойиҳалар техника тараққиётининг ҳозирги даражасига тўла мос келишини талаб қилишлари, партия ташкилотлари эса хўжалик раҳбарларининг бу иш учун маъсулиятини оширишлари керак.

Ўсиш суръатларини тубдан жадаллаштириш учун ҳамиша ҳам янги завод ва цехлар қуриш талаб қилинавермайди. **Ҳозир асосий диққат-эътиборни оз маблағ сарфлаб, катта самара олишга эришиладиган корхоналарни техника билан қайта қуроллантиришга қаратиш керак.** Бундай ёндашиш қандай самара беришини Олмалиқ кон-металлургия комбинати мисолида кўриш мумкин. Бу ерда реконструкциялаш ҳамда техника билан қайта қуроллантириш ҳисобига мис рудаси ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кўпайтиришга муваффақ бўлишди.

Барча резервларни ишга солиш асосий вазифаларимиздан биридир. Бу, айниқса, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, қурилиш индустрияси саноати, Главташкентстрой, сув хўжалиги корхоналари ва бошқа ташкилотлар учун муҳимдир. Чунки улар бундан йигирма йил аввалги технология линияларидан ва ускуналардан фойдаланмоқдалар. Аммо кўп раҳбарлар янги қурилишлар ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга интилишади.

Ҳозир масала шу таҳлитда қўйилган: яқин йиллар ичида реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантиришга сарфланадиган капитал маблағлар ҳиссаси улар умумий ҳажмининг ярмигача оширилиши лозим. Республика министрликлари, идоралари, Госплани қайси объектлар қурилишини тезлаштириш, қайсиларни тўхтатиб қўйиш ва ҳатто консервация қилиш лозимлигини диққат билан кўриб чиқишлари, асосий фондларни инвентаризация қилишлари, ҳар бир корхона ва умуман тармоқни реконструкциялаш ва техника билан қуроллантириш программасини белгилаб олишлари зарур. 1986 йил ва умуман ўн иккинчи беш йиллик планида зарур тадбирларни кўзда тутиш учун бу ишга ҳозирдан киришиш керак.

Қурилиш ва монтаж ташкилотларининг раҳбарлари корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш ишларига пухта тайёргарлик кўришлари лозим.

Энг муҳими — барча инженерлик тайёргарлиги ва қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишни тубдан яхшилаш, қурилишнинг техникавий даражаси ва сифатини қатъиян ошириш лозим. Бугунги кунда булар энг танг жой бўлиб, пудрат ташкилотлари ишига халақит бераётган асосий тўсиқдир. Капитал маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўйилмоқда, айрим объектлар нормадан 2—3 йил ўрнига 7—8 йиллаб қурилмоқда.

Меҳнат унумдорлиги **қурилиш ишлаб чиқариши** техникавий даражасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Афсуски, бу кўрсаткич сust ўсмоқда. Қишлоқ қурилиши министрлигида (ўртоқ Н. Ғ. Қурбонов) бу кўрсаткич айниқса паст. Қурилиш министрлигида эса (ўртоқ Ф. Г. Потуремский) 1980 йилга нисбатан ҳам пасайиб кетди.

Ҳар бир министрлик ва идорада янги техника ва илғор тажрибани жорий этиш борасида яхшигина тадбирлар тузиб қўйилган. Гап уларни амалга оширишда қолган. Кичик механизация воситалари ҳамда қўлда ишлатиладиган электр асбобларни жорий қилиш катта фойда келтиради. Госстрой (ўртоқ Ҳайдарова), Қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идоралари (Потуремский, Қурбонов, Набиев, Нуъмонов, Жўрабеков, Турсунов, Боймиров ўртоқлар)нинг вазифаси сўзда эмас, балки амалда қурилиш ишлаб чиқаришининг инженерлик тайёргарлиги ва ташкил этилишини яхшилашдан, ҳар бир иш жойида юқори унумли меҳнат қилиш шарт-шароитини яратиб бериш учун кадрларнинг масъулиятини оширишдан иборат.

Сифатли материал ва конструкцияларни заводда яхшилаб тайёрлаш учун таъсирчан чоралар кўриш, қурилишларда рулонсиз тунука, сантехкабина, хоналар ва биноларда индустриал тўсиқлар, лифт шахталари, вентиляция блоклари, теплотрассани каналсиз ўтказиш усулларини кенг жорий қилиш керак.

Йирик панелли уйсозлик қувватларидан фойдаланишни яхшилашга алоҳида эътибор бериш, уй-жойлар қуришда типовой лойиҳаларнинг янги туркумлари ва ягона каталогига ўтишни ниҳоясига етказиш керак.

Бу ишда бинокорлик фанининг роли катта. Бинокорлик фани конструкциялар ҳамда қурилиш-монтаж ишлари юзасидан энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияни ишлаб чиқиб, жорий этишлари лозим. Ҳозирча бу масалалар хусусида илмий-тадқиқот ечимлари тарқоқ ҳолда олиб бориляпти, бу ечимлар сust ва тўла бўлмаган ҳажмларда жорий этилмоқда.

Бизда уй-жой ҳамда социал-маданий-маиший объектларни иситишда қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳақида кўп гапирилади. Кейинги олти йил мобайнида гелиосистемалардан фойдаланиб, 30 объект қуриш мўлжалланган эди. Амалда эса бу система атиги тўртта объектда монтаж қилинди. Лекин улар ҳам ишламаяпти.

Бир вақтлари Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги ҳар бир кубометр маҳсулотда 70—100 килограмм шартли ёнилғини тежашга имкон берадиган йиғма темир-бетонни гелиополигонларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда зўр активлик кўрсатишган эди. Аммо ҳозир бир процентдан сал кўпроқ маҳсулот шу метод билан тайёрланмоқда.

Цемент ишлаб чиқаришда (Исаев ва Иброҳимов ўртоқлар) паст ҳароратли технологияни жорий этиш ниҳоятда қониқарсиз аҳволда. Республикамиз олимлари бу илғор технологияни кашф этишгани учун бундан қарийб 15 йил муқаддам гуворнома олишган, ҳатто тажриба-саноат установкаси ҳам қурилган эди. Аммо бу иш тажрибадан нари ўтмади.

Госстрой, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Қурилиш, Монтаж министрликлари ташкилотлари ва идораларининг раҳбарлари қурилиш практикасига фан ва техника ютуқларини, янги самарали материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқаришнинг илғор технологиясини қатъият билан жорий этиш, ўртоқ М. С. Горбачев кенгашда қилган докладида уқтирганидек «...қурилиш ишлаб чиқаришини ягона индустриал жараёнга айлантириш» зарур.

Маҳсулот сифатини ошириш йўлида кўп иш қилишимиз керак. Кейинги йилларда яхши томонга бирмунча силжиш бўлди. Аммо буюмлар сифати ҳамон экономиканинг энг танг жойларидан бири, кўпдан кўп қийинчилик ва муаммоларнинг манбаи бўлиб қолмоқда. Экскаваторлар, холодильниклар катта нуқсонлар билан чиқарилмоқда. Енгил саноат, мебель, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари сифатига жиддий эътирозлар билдиришга тўғри келади.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмаси ҳамда Қўқон пойафзал фабрикаси коллективларининг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги тажрибасини маъқуллади. Бу ташаббусни ҳамма жойда ёйиш керак.

Кенгаш материалларида **қишлоқ хўжалигини фан-техника тараққиёти йўлига** тезроқ ўтказиш зарурлиги алоҳида уқтирилди. Бунинг учун ҳозир республика агросаноат комплексида барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Кейинги йигирма йил мобайнида қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 3,6 баравар, меҳнатнинг энергия билан қуролланганлиги 1,6 баравар, энергия билан таъминланиши икки баравар ўсди. Қишлоқ ва минерал ўғит етказиб бериш кўпайди.

Шу билан бирга бизда капитал маблағлардан ва асосий фондлардан фойдаланишда самарадорликнинг пасайиш тенденцияси кўзга ташланиб қолди. Агросаноат комплекси министрликлари ва идоралари, партия ва совет органлари инженерлик ҳизматини яхшилаш, колхоз ва совхозларнинг машина-трактор парки самарадорлигини кучайтириш тадбирларини амалга оширмаётганлари сабабли шундай бўлмоқда.

Ҳаммага маълумки, техникадан фойдаланишни яхшилаш қўшимча маблағ сарфламасдан туриб механизациялашган ишлар ҳажмини кўпайтириш, бу ишларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш, шу асосда қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган меҳнат ва моддий-пул харажатларини камайтириш имконини беради. Шу ҳисобдан хўжаликларнинг техникага бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги, Мевасабзавот хўжалиги министрликлари, Госкомсельхозтехника, Главсредазирсовхозстрой, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими машина ва механизмлардан энг кўп даражада фойдаланишга эришишлари, уларнинг юксак унум билан ишлатилишини таъминлашлари керак.

Мавжуд машиналар системаси ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг асосий жараёнларини механизациялаш, меҳнат сарфини кескин камайтириш имконини беради. Кўпгина хўжаликлар техникадан тўғри фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Масалан, Сирдарё областида ҳар бир гектар пахтазор ҳисобига меҳнат сарфи 700 киши-соатни ташкил этади. Андижон ва Фарғона областлари бир хил техника таъминотида бу ишга 1,5—2 ҳисса кўп меҳнат сарфламоқдалар.

Область партия комитетлари машиналардан тўғри фойдаланиш учун қишлоқ хўжалик органларининг, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан талабчанликни кучайтиришлари, янги технологияни жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқаришга маблағ сарфини анча қисқартириш меҳнат унумдорлигини ўстириш билан қўшиб олиб боришига эришишлари керак.

Пахта териш машиналари ҳақида алоҳида тўхталмоқчимиз. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, пахта териш машиналаридан давлат манфаатлари нуқтаи назаридан фойдаланилган жойларда ҳосил қисқа муддатларда йиғиб-териб олиняпти, Пахта юқори сортларга топширилиб, яхши иқтисодий натижаларга эришилмоқда. Аксинча, иқтисодий жиҳатдан саводсизларча иш юритилаётган жойларда ҳосил қўлда териб олинмоқда, четдан ишчи кучи жалб этилмоқда. Бундай ерларда паст натижаларга эришилмоқда. Шу сабабли республикада пахта териш машинасининг иш унуми пасайиб, каттагина маблағлар унумсиз сарфланмоқда.

Шундай оддий бир ҳақиқат ҳаммага равшан бўлиши керак: машиналарни ишлатмасдан жами пахтани териб олиш, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ўтказиш, шаҳарликлар, студент ва ўқувчиларни ҳосил йиғим-теримига жалб этиш проблемасини ҳал қилиб бўлмайди. Область партия комитетлари, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Госкомсельхозтехника колхоз ва совхозлар раҳбарлари онгидаги хафсаласизлик ва консерватизмни қатъият ва принципиаллик билан бартараф этишлари, йиғим-терим ишларини механизациялаш даражасини кескин оширишлари лозим.

Айни пайтда республика олимлари ва конструкторлари машиналарни такомиллаштириш, уларнинг пишиқлигини ошириш, агротехника сифатларини яхшилаш йўлидаги куч-ғайратларини бирлаштиришлари лозим. Бугун биз олимлар ва конструкторлардан хусусан САИМЭ, пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюросидан машиналар яратиш муддатини жаддаллаштиришни талаб қилишга ҳақлимиз. Пахтачиликни комплекс механизациялаш ишларини тугаллаш учун бундай машиналар етишмай турибди.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда — алмашлаб экишнинг роли каттадир. Алмашлаб экишнинг аҳамиятини ҳамма яхши биларди. Бу масалалар юзасидан озмунча қарорлар қабул қилинмаган. Минг афсуски, кўпгина хўжаликлар алмашлаб экишни жорий қилиш билан шуғулланмаяптилар. Танлаб ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, Бухоро, Андижон, Тошкент Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда алмашлаб экиш, айниқса, кўп бузилмоқда.

Область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари алмашлаб экиш масалалари билан шуғулланишда тўбдан бурилиш ясашлари, ҳар бир хўжалик раҳбари фаолиятига, унинг ҳозирги замон шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш қобилиятига принципиал позициядан туриб баҳо беришлари зарур.

Селекция ва уруғчилик ишига жиддий эътибор бериш лозим, ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти, бошқа илмий бўлималар, Қишлоқ хўжалиги министрлиги ғўза ва бошқа экинларнинг ҳосилдор навларини ва гибридларини яратиш ҳамда жорий этиш ишларини қучайтиришлари, элита уруғчилиги ишини, агротехника, экинларни парвариш қилиш технологиясини такомиллаштиришлари керак.

Чорвачилик сермеҳнат тармоқлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ерда аввало молларнинг янги наслини яратиш ишини активлаштириш, мавжуд механизация воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, илғор хўжаликларнинг тажрибасини кенг қўлланиш, фермаларни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, уларни молларни боқишнинг прогрессив индустриал технологиясига ўтказишни тезлаштириш, тармоқда ихтисослаштириш суръатларини жаддаллаштириш зарур.

Озуқа етиштиришни тубдан яхшилаш чораларини кўриш, озуқани йиғиштириб олувчи, озуқа тайёрловчи машиналарнинг мавжуд паркини кўриб чиқиш, озуқа экинларини қисқа муддатларда сира нобудгарчиликка йўл қўймай йиғиштириб олишга имкон берадиган механизмлар билан хўжаликларни таъминлаш, чиқитсиз технологияни жорий қилиш лозим.

Область, район партия комитетлари саноат бирлашмалари кенгашларининг, қишлоқдаги барча шериклларнинг ишини яхшилашга эришишлари лозим. Вазифа — юксак пировард натижаларга эришиш учун меҳнат коллективларининг масъулияти ва манфаатдорлигини ошираётган хўжалик механизмини яратишдан иборат. Бу эса иқтисодий ишларни такомиллаштиришни, колхозлар ва совхозларнинг молия-хўжалик фаолиятларини чуқур таҳлил этишни, маҳсулот таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш резервларини қидириб топишни, хўжалик ҳисобини чуқурлаштиришни тақозо қилади.

Ерларни мелиорациялаш бўйича катта ҳажмдаги ишларни бажаришимиз керак. Бу соҳада ҳал этилмаган масалалар жуда кўп. Суғориш системаларининг фойдали ҳаракат коэффициенти кўпаймаяпти, кўп сув исроф бўлмоқда. Суғориладиган ерларнинг атиги 10 процентга яқини прогрессив суғориш техникаси билан қамраб олинган.

Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Госкомводстрой, Главсредазирсовхозстрой, САНИИРИ, Ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, лойиҳа институтлари сув хўжалиги тадбирлари самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишларни кучайтиришлари зарур. Суғориш техникасини такомиллаштиришга, сувнинг исроф бўлишини камайтиришга айниқса катта эътибор бериш керак.

Ҳар бир корхонанинг, ҳар бир тармоқнинг ўзига яраша вазифалари, ўзига хос хусусиятлари бўлади. Аммо бизнинг давримизда ҳаммага тааллуқли умумий бир вазифа бор. У ҳам бўлса **хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергиясидан самарали фойдаланишдир.** Кенгашда М. С. Горбачев экономикамиз ҳамон исрофгарчиликка йўл қўяётганлигини таъкидлади.

Технология жараёнларини бузиш, иссиқлик станцияларида ускуналардан сust фойдаланилаётганлиги оқибатида республикамизда ҳар йили салкам 600 минг тонна шартли ёқилғи ортиқча сарфланмоқда. Металлдан фойдаланиш коэффициенти жуда паст. Унинг 20 процентдан кўпроғи чиқитга кетмоқда.

Автомобилларни газ ёнилғиси билан ишлашга ўтказиш тежамкорликнинг муҳим йўналишидир. Тошкент, Бухоро ва Қаршида қурилган тўртта газ заправка қилиш станциясидан яхши фойдаланилмаяпти.

Иккиламчи ресурслардан ҳам қониқарсиз фойдаланилмоқда. Республикага ҳар йили кўплаб қулолчилик хом ашёси келтирилади. Айни пайтда Ангрен кўмир конида ҳар йили жуда кўп миқдорда гилмоя қазиб олинади-ю, аммо ундан фойдаланилмайди. Фосфогипсдан ҳам фойдаланилмаётир. Фанлар академияси, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, «Средазуголь» бирлашмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Самарқанд химия заводи бемаъни баҳслашувларга чек қўйиб, бу жуда катта бойликдан фойдаланиш масалаларини амалда ҳал этадиган вақт аллақачон келган.

Тежамкорлик учун кураш ишлаб чиқаришгагина таллуқли бўлмай, турмушимизнинг ҳамма соҳаларига, шу жумладан маиший турмушга ҳам тааллуқлидир. Зотан, ёнилғи, электр энергияси, сувнинг бешдан бир қисми маиший эҳтиёжларга сарфланади. Шу сабабли улардан тежаб-тергаб, ишнинг кўзини билиб фойдаланиш керак.

КПСС Марказий Комитети халқ хўжалигининг ёқилғи, хом ашё ва материалларга ўсиб бораётган эҳтиёжини асосан уларни иқтисод қилиш ҳисобига қондириш вазифасини илгари сурди. Бу эса сабот билан ижодий иш олиб боришни, халқ хўжалигининг барча тармоқлари раҳбарлари, инженер-техник ходимлари, барча меҳнатчилари қатъий чоралар кўришини тақозо этади.

Фан илмий-техника тараққиётини жаддаллаштириш учун курашнинг олдинги маррасидир. Ўзбекистон олимларининг билим ва техника тараққиёти турли соҳаларидаги муваффақиятларидан мамлакатимизда ва чет элларда тан олинган. Улар ҳар йили халқ хўжалигига 600 миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий самара келтиради-ган 400 дан зиёд ечим бермоқдалар.

Аммо уларнинг фаолияти ҳали республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планларининг бажарилишига зарур таъсир ўтказмаяпти. Хафсаласизлик, самарали ишлаш йўлларини қидириб топишни истамаслик каби барча ҳолларга тегишлича баҳо бериш, илмий коллективларда талабчанлик ва интизом вазиятини вужудга келтириш керак.

Айрим мавзулар юзасидан тадқиқотлар кўп йиллардан бўён олиб борилаётган бўлсада, аммо пировард натижалардан шу пайтгача дарак йўқ. Масалан, чиқитсиз технологиянинг аҳволи шундай. Ваҳолонки ресурсларни иқтисод қилиш — халқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг ғоят муҳим вазифаларидан биридир. Ёқилғи ва хом ашё запасларини кўпайтириш тобора қийинлашмоқда. Ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, хом ашёдан комплекс фойдаланиш, иккиламчи ресурсларни оборотга киритиш — анча оқилона йўлдир. Ҳолбуки республикада бундай ресурслар хўжалик оборотига киритилмай қолишдан ташқари атроф-муҳитни ҳам булғамоқда. Госплан, министрликлар ва идоралар, Фанлар академияси иккиламчи ресурслар ва рўзғор чиқитларини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш, фан ва техника ютуқлари негизида чиқитсиз технологияни яратиш борасидаги ишларни тўбдан яхшилашлари лозим.

Уй-жой коммунал хўжалиги ва қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш соҳасидаги ишлар сust олиб борилмоқда. Ишончли, тежамли ва ғоят унумли гелиотехникани барпо этиш учун куч-ғайратларни икки карра, уч карра ошириш, қуёш энергиясини одамларга хизмат қилдириш керак.

Янги соҳаларга, самарадорликнинг янги даражасига йўл очиш, дадил ғояларни олға суриш — республика олимларининг фахрли бурчидир. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вазифаси техникавий йўналишдаги тадқиқотлар сарн кескин бурилишдан, куч-ғайратларни принципиал янги техника ва технология турлари назарий асосларини ишлаб чиқишга қаратишдан иборат. Барча институтларда назарий тадқиқотларнинг салмоқли заминини вужудга келтириш, уларни яхши экспериментал ишлаб чиқариш базаси билан таъминлаш муҳимдир.

Фан-техника тараққиёти вазифаларини ҳал этишда олий ўқув юртлари фани ўз ҳиссасини анча кўпайтириши керак, бу фаннинг имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Бизда олий мактаб ўқитувчиси бажараётган илмий-тадқиқот ишлари ҳажми Умумиттифоқ даражасидан уч баравар камдир. Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, ўз қарамоғида олий ўқув юртлари бўлган бошқа министрликлар ва идоралар ўқув юртларида илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, барча ходимларнинг ижодий изланиши ва юксак активлиги, пировард натижалар учун уларнинг масъулияти муҳитини вужудга келтириш юзасидан қатъий чоралар кўришлари лозим.

Олий ўқув юртларининг илмий-педагогик коллективлари инженер ва олимларнинг ёш авлодини тайёрлашни анча яхшилашлари керак. Ана шу инженер ва олимлар яқин орада фан-техника тараққиёти стратегиясини амалга оширишлари лозим бўлади.

Тармоқ фанига нисбатан катта талаблар қўйилиши керак. Партия бу фанга нисбатан ишлаб чиқариш эҳтиёжларига яқинлашиш талабини қўймоқда. Юксак халқ хўжалик натижаларига эришиш тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг, лойиҳа-технология ва конструкторлик ташкилотларининг бош вазифаси бўлиб қолиши лозим. Бу институтлар ҳамда ташкилотларнинг фаолияти ҳозирча талайгина ҳаққоний эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Илм-фан, техника ва ишлаб чиқаришни бирлаштирувчи занжирнинг барча ҳалқаларини мустаҳкамлаш, ғоядан бошлаб, то унинг амалда рўёбга чиқарилишигача бўлган бутун йўлни ўзига хос узлуксиз конвейерга айлантириш — энг асосий вазифадир. Фан, техника ва ишлаб чиқариш интеграцияси — фан-техника тараққиётини жаддаллаштиришнинг, ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш самарали формаларидан биридир. Нисбатан қисқа вақт ичида бундай бирлашмалар илмий тадқиқотлардан бошлаб уларнинг натижаларидан амалда фойдаланишгача бўлган бутун ишлар циклини тўла ўзлаштириб олмоқда. Масалан Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мева ва узумларнинг янги навларини муваффақиятли равишда яратиб, жорий этмоқда, уларни районлаштирмоқда, хўжаликларни кўчатлар билан таъминламоқда, маҳсулотни асраш ва қайта ишлашнинг илғор методларини ишлаб чиқмоқда. Мана шу ва бошқа илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг тажрибасини умумлаштириш ҳамда кенг оммалаштириш лозим. Бундай бирлашмалар фан-техника тараққиётининг чинакам етакчилари бўлиб қолиши керак.

Илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш масалаларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Гап тармоқ комплекс планлари тўғрисида бормоқда. Бундай планлар олимларнинг, конструкторлар, ишлаб чиқариш ходимларининг катта-катта коллективларини бирлаштирган, барча кўрсаткичлари бўйича пухта мувофиқлаштирилган ҳамда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планига таркибий қисм сифатида кирган бўлур эди.

Украина ССР Фанлар академиясининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инженерлик марказлари фаннинг ишлаб чиқариш билан тармоқлараро алоқасининг янги самарали формасидир. Бу марказлар составида хўжалик ҳисоби принципига мувофиқ ишлайдиган ҳамда турли министрликлар ва идораларнинг корхоналари билан боғланган конструкторлик-технолог и я бюролари, тажриба заводи бор. Бундай структура маҳкамачилик тўсиқларини муваффақиятли бартараф этиш, «ғоя — ишлаб чиқариш» циклини анча жаддаллаштириш имконини беради.

Вазифа инженерлик марказларини ташкил этиш тажрибасидан бизнинг республикамизда ҳам фойдаланишдан иборатдир. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Фанлар академияси шундай марказларни ташкил этишга оид тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари, илмий ютуқларни практикага жорий этиш йўлидаги танг жойлар бартараф этилишига эришишлари лозим.

Фан-техника тараққиётини жаддаллаштириш **олимлар ва мутахассислар** меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш мақсадида яқинда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС

ЎРТОҚ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ ДОКЛАДИ

(Боши 1- ва 2-бетларда).

са, эндиликда 64 процентдан ошиб кетди. Раҳбарлик лавозимларига ўтган кишилар орасида ёш ташаббускор ўртоқлар кўп.

Барча партия ташкилотлари ҳисобот ва сайловга ҳозирлик кўра туриб, бирон лавозимни эгаллаб турган коммунист замон талабига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаб олишлари жуда муҳимдир. Чунки ишчанликни қарор топтириш, уюшқоқликни ва тартибни кучайтириш борасидаги қаттиқ чораларсиз халқ хўжалигини интенсивлаш сари қатъий бурилиш қилиб бўлмайди. Инсон ўз устида ишламаса, ҳаётдан орқада қолган, бунинг устига шахсий жиҳатдан нопок ҳам бўлса унинг аввалги хизматлари ҳам, узоқ раҳбарлик стажи ҳам навбатдаги муддат билан лавозимни эгаллаш учун йўлланма бўлиб ҳисобланиши мумкин эмас. Ўртоқлар, ҳозир ҳар қандай участкада ижодий ғайрат, тўла фидокорлик ва умумий ишга астойдил хизмат қилиш керак.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун коммунистларнинг масъулиятини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнашлари лозим. Уларнинг бурчи — ҳамма жойда хўжасизликка, мажлисбозликка нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтиришда, кадрларни вазиятга реалистик баҳо беришга, иқтисодий жиҳатдан тўғри фикрлашга ўргатишдан, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш учун курашда бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги ва ташаббускорлигини оширишдан иборат.

КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгаш якунларини барча область, шаҳар ва район партия ташкилотларида муҳокама қилиш лозим. Ҳар бир меҳнат коллективида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш **тадбирларини** белгилаб олишлари керак. Барча министрликларнинг коллегиялари ўз вазифаларини аниқлаб олишлари лозим. Ишлаб чиқариш фондларини умумий инвентаризация қилиш, ҳар бир корхона учун, ҳар бир тармоқ учун техника жиҳатидан реконструкция қилишнинг перспектив программасини ишлаб чиқиш зарур. Ҳаёт хўжалик механизмини планлаштириш системасини қайта ташкил этишни, республика экономикасини бошқаришнинг марказий бўғини бўлган Госплан роли ва масъулиятини анча оширишни қатъий талаб қилмоқда.

Яқинда тузилган Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгаши мана шуларнинг ҳаммасига ёрдам беради. Афтидан, область, шаҳар, район партия комитетлари ҳузурида шундай кенгашларни тузиш фойдалидир.

Партия ташкилотлари амалий фаолиятда хўжалик механизмига таъсир ўтказишнинг барча воситаларидан кенгроқ фойдаланишлари керак. Қабул қилинаётган қарорлар бажарилишини текширишга алоҳида эътибор бериш даркор.

Биз КПСС Марказий Комитети 1985 йил июль Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети учинчи сессиясининг ҳужжатлари асосида ишни сабот билан такомиллаштиришимиз, **халқ депуталари маҳаллий Советларининг** имкониятларидан жуда тўлиқ ва изчил фойдаланишимиз лозим. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари маҳаллий Советларнинг диққат марказида бўлиши керак. Советлар халқ хўжалигини интенсивлашга, фан ва техника ютуқларини жорий этишга, социал проблемаларни муваффақиятли ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришлари муҳимдир.

Ўртоқлар! Биз беш йиллик тугалловчи йилининг иккинчи ярмини бошладик. Халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида яхши томонга ачагина силжишлар бор. Айни вақтда талайгина камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Саноат корхоналарининг салкам 15 процента асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан планларни бажармаяпти, ресурсларнинг, иш ҳақининг ортиқча сарфланишига йўл қўймоқда.

Капитал қурилишда қолоқликка йўл қўйилди. Қурувчилар йил охиригача бир қанча ишлаб чиқариш объектларини, салкам икки миллион квадрат метр уй-жойни, кўпгина мактаблар, болалар муассасалари, касалхоналар, поликлиникаларни, ҳунар-техника билим юртларини ишга туширишлари керак бўлади.

Булар жуда катта вазифалардир. Ҳозир ишга туширилаётган қурилишларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишни назарда тутиб, зарур куч ва ресурсларни ана шу қурилишларга жамлаш керак. Биринчи даражали давлат аҳамиятига молик бўлган қурилишларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Саноат ходимларининг проблемалари ҳам оз эмас. Гарчи биринчи ярим йиллик план кўпгина кўрсаткичлар юзасидан бажарилган бўлса-да, июнь ойида иш суръати пасайиб кетди. Маҳсулот реализация қилиш ва меҳнат унумдорлиги бўйича топшириқлар бажарилмади. Ҳар бир корхонада уюшқоқликни, тартиб ва масъулиятни кучайтириш керак. Қолоқ коллективларга алоҳида эътиборни жалб қилиш, янги марраларга чиқиб олишда уларга ёрдам бериш лозим. Июнь ойидан чала қолган ишларнинг ҳаммасини бажариш керак. Экономиканинг барқарорлиги, муваффақиятли равишда олга силжиш мана шунга боғлиқдир.

Транспорт, алоқа экономика бошқа тармоқларининг ходимлари зарбдорларча ҳаракат қилишлари керак. Хўжалик юритишнинг барча участкаларида самарали меҳнатни таъминлаш — ҳозир биз учун асосий, белгиловчи вазифадир.

Дала ва фермаларда долзарб ҳамда масъулиятли палла бошланди. Чорвачилик фермалари ва комплекслари катта қолоқликка йўл қўйиб ишламоқдалар. Давлатга гўшт ва сут сотиш ярим йиллик плани бажарилмади, чорва маҳсулдорлиги ошмаяпти.

Ем-хашак запаслари ниҳоятда секинлик билан тўлдирилмоқда, беда ва табиий ўтларни ўриб олиш муддатлари бой берилмоқда. Қорақалпоғистон АССР, Навоий ва Хоразм областларнинг хўжаликлари бу ишда энг кўп қолоқликка йўл қўймоқдалар. Кўпгина колхоз ва совхозларда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишларда хўжасизлик ҳамда масъулиятсизлик ҳоллари намоён бўлмоқда.

Бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олиш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзиб юборилди. Бу эса такрорий маккажўхори экишни ва давлатга дон топширишни кечиктирмоқда.

Барча областларда бўлган оператив группалар ғўза ва бошқа экинларни парвариш қилиш агротехника усулларини ўтказишда кўпдан-кўп қоидаларни бузиш ҳолларини, хотиржамлик ва камчиликларга муросасозлик фактларини аниқладилар.

Область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, агросаноат комплексининг министрликлари ва идоралари тармоқдаги ишларнинг аҳволи учун, деҳқончилик ҳамда чорвачиликдаги бутун ишлар комплекси ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши учун колхоз ҳамда совхозлар раҳбарлари билан мутахассисларининг масъулиятини оширишлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл эртанги ҳосил олишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлаш топшириқларини сўзсиз ado этишга меҳнат коллективларини сафарбар қилишлари зарур.

Идеология ходимлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Энг муҳими шундаки, гоявий-тарбиявий ишлар марказини меҳнат коллективига, бошланғич партия ташкилотига кўчириш зарур. Пропаганда ва агитациянинг мазмуни ҳар бир корхона билан хўжалик марраларига нисбатан конкретлаштирилиши лозим.

Иқтисодий тафаккурнинг янги типини шакллантириш — ғоят актуал вазифадир. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш КПСС иқтисодий стратегиясининг бош йўналиши, халқ хўжалигини интенсивлаш ва унинг самарадорлигини оширишнинг, бинобарин эса бошқа барча хўжалик ва социал масалаларни ҳал этишнинг асосий воситаси эканлигини республликанинг ҳар бир меҳнаткаши чуқур англаб олиши лозим.

Матбуот, радио ва телевидение техника тараққиётини жадаллаштириш — ҳамманинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган, ҳар бир кишига ўз қобилияти ва истедодини намоён этишга имкон берадиган ҳаётий муҳим иш эканлигига ишонч ҳосил қилишда одамларга ёрдам бериши керак.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш соҳасида қизғин ишламоқдалар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қарорларига мувофиқ ўн иккинчи беш йилликка ва шундан кейинги даврга мўлжалланган план тайёрланмоқда.

М. С. Горбачев СССР Олий Совети сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, «энди, биз ўз истиқболларимизни яхшироқ кўриб турган бир пайтда ташкилотчилик иши, совет сиёсий системаси барча бўғинларининг фаолиятини кучайтириш, оммани ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилиш биринчи ўринга қўйилмоқда».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС сиёсатини актив қўллаб-қувватлаб, экономикани интенсивлаш изига ўтказиш учун курашнинг олдинги safларида борадилар, ўз куч-ғайратларини КПСС Марказий Комитети ўртага қўйган вазифаларни амалга оширишга қаратадилар, деб ишонч билдиради. Ҳар биримиз янгича ишлашга мослашишимиз, етишиб олишимиз, зўр ғайрат билан ҳаракат қилиб, буюк масъулият ва шижоат билан ишлашимиз лозим.

Олдинда кенг миқёсли, қийин, новаторлик ишлари кўп, биз фан билан ишлаб чиқариш иттифоқини мустаҳкамлаш, тезроқ олга ҳаракат қилиш, Ватан қудратини кучайтиришга республликанинг ҳиссасини кўпайтириш, партиямизнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун барча имкониятларга эгамиз.

Ўртоқлар, республика партия ташкилоти, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари янги вазифаларни бажаришга, коммунизм олижаноб идеалларининг тантанасига ўз кучлари, билимлари, ғайрат-шижоатларини бағишлайдилар, деб Сизларнинг номингиздан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини ишонтиришга ижозат бергайсизлар.

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР

Тошкент областида асосий илмий кучлар бирлаштирилган, саноат жамланган. Саноатни станоксозлик, асбобсозлик, радиотехника, электрон, электротехника каби фан-техника тараққиётини кўрсатувчи тармоқлар белгилаб турибди, деди Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **Т. А. Алимов.** Бироқ хўжалик ишида экономикага раҳбарлик қилишда техника тараққиёти суръатларини орқага сураётган жиддий камчиликлар бор. Корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларнинг баъзи раҳбарлари партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг контрол қилмасликлари, бепарволигидан фойдаланиб, техника сиёсатини тушунган ҳолда амалга ошириш резервларини маҳорат билан қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш ўрнига оширилган планлар қабул қилиб, фондлар ва ресурсларни ундириб олдилар, сўнгра планларни камайтириш учун уларнинг қайта кўриб чиқилишига эришдилар, қўшиб ёзиш билан шуғулланиб, ишларнинг аҳволини бўяб кўрсатдилар. Область партия ташкилоти халқ хўжалигини интенсивлаштиришни жадаллаштиришга самарали таъсир кўрсата оладиган туб ўзгариш ясовчи тадбирларга куч-ғайратни сафарбар этмоқда.

Асбоб-ускуналар ишининг сменали бўлишини ошириш, меҳнатни ташкил этишнинг таъсирчан формаларини қидириб топиш ва жорий этиш, шу жумладан, иш жойларини аттестациядан ўтказиш резервлардан биридир. Бироқ ҳозирча атиги иккита корхона — трактор заводи ва «Ташсельмаш» заводи комплекс аттестацияни тамомлади. Хўжалик раҳбарларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлган бригада пудратига нисбатан бепарволик билан муносабатда бўлаётганлигига суст барҳам берилмоқда.

Навоий цемент заводи директори **Т. Ҳ. Тошпўлатов**нинг нутқида меҳнат коллективи чинакамига жипслашиб, кенг миқёсли, истиқболли вазифани ҳал этишга жазм этган тақдирда у техника тараққиётини жадаллаштириш учун қанчалик кўп иш қилиши мумкинлиги яққол кўрсатиб берилди. Цементни «қуруқ» усулда ишлаб чиқариш янги технологиясини ўзлаштира бориб, кўпгина қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келди. Аммо ҳозир одатдаги «ҳўл» усулга нисбатан ҳар йили 130 минг тоннага қадар шартли ёқилғи тежалмоқда, печларнинг материал сарфи камайтирилди, уларнинг унумдорлиги ошди. Янги усулни ўзлаштириш давомида аслини олганда, бутун заводни реконструкция қилишга тўғри келди, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш тўғрисидаги фикр туғилди — бу хусусдаги таклифларни Иттифоқ министрлиги билан Госплан маъқуллади. Аммо Навоий цементчилари эришилган натижалар билан хотиржам бўлиб қолмасликлари керак.

Ўзбекистонда қилинган илмий кашфиёт тақдири ишлаб чиқаришнинг фойдаланилмаётган резервлари нақадар катта эканлигини кўрсатувчи яққол мисол бўла олади. Бу кашфиёт цементни паст температурада синтез қилишни йўлга қўйиш имконини беради. Ғоят зарур бинокорлик материалини анча кам ёқилғи сарфлаб олиш имкониятини яратадиган тажриба-саноат қурилмаси Оҳангарон цемент комбинатида барпо этилган. Бироқ янги методнинг мавжуд имкониятларидан сусткашлик қилиб, тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Фарғона областидаги кўпгина партия комитетлари, партия ташкилотлари кейинги йилларда фан-техника тараққиёти масалаларига эътиборни сусайтириб юборишдилар. Айни шу боисдан, бир қанча корхоналарда қувватларни тўлиқ ишлатмаслик, планларни бажармаслик, миллионлаб сўмлик ўрнатилмаган машина-ускуналарнинг тўпланиб қолиши каби ҳолларнинг юзага келиши мумкин бўлди, деди ўз нутқида область партия комитетининг биринчи секретари **Ҳ. У. Умаров** Область коммунистлари ҳозир раҳбар кадрларни, меҳнат коллективларини ишлаб чиқаришни интенсивлашга, асосий фондларни янгилашга, экономиканинг етакчи тармоқларида технология жараёнларини такомиллаштиришга йўналтиришни энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисобламоқдалар. Ипакчилик саноати шундай тармоқлар жумласидандир ,деб уқтиради нотиқ. Марғилонда жойлашган табиий ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш марказий илмий тадқиқот институти пиллакашликнинг бутун жараёнини автоматлаш йўлларини таклиф этмоқда, бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги бир ярим баравар ошган бўлур эди. Янгиликни жорий этиш учун «Кокандтекстильмаш» заводини ихтисослаштириш, уни конструкторлар состави билан кучайтириш зарур.

Ҳ. У. Умаров қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ва, жумладан, пахтачиликни ташкил этишдаги жиддий камчиликларни қайд этиб ўтиб, бунда кўп нарса бошқарув органларига, уларнинг аниқ-пухта ишлашига, кадрларнинг билимдонлигига, яроқсиз тақрорлашни тугатишга боғлиқ эканлигини эътироф этди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси **Қ. А. Аҳмедов** бундай деди: беш йилликнинг якунловчи йилида республика экономикасида интенсив омилларнинг роли кучайиши тенденцияси сезилмоқда, муайян ижобий силжишлар бошланди. Бироқ мавжуд имкониятлардан ҳали тўлатўкис фойдаланилмаяпти, ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини қониқарли деб бўлмайди. Кўп турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ортиқча материал сарфланмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги аҳвол, айниқса, ташвиш туғдирмоқда: бу ердаги меҳнат унумдорлиги ошиб бориш ўрнига пасаймоқда ва айни вақтда чиқимлар кўпаймоқда.

Мана шундай шароитда Госплан ўзининг бутун диққат-эътиборини интенсив омилларнинг ролини кучайтиришга қаратмоқда, бу омиллар ўн иккинчи беш йилликда ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим. 1986 йилги планда катта-катта тадбирлар кўзда тутилмоқда. Қора ва рангли металлургия, электр техника, машинасозлик, химия, бошқа бир қанча тармоқларнинг кўпчилик корхоналарини модернизациялаш, техника билан қайта қуроллантириш зарур, деди Қ. А. Аҳмедов. Республика Госплани ўз ишини экономика ривожининг ҳозирги босқичи талаблари асосида қайта қурмоқда. Бунда планлаштиришни бошқаришни такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришдаги интизом ва тартибни мустаҳкамлаш тадбирларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Энергетика корхоналарини янгилашни жадаллаштириш ва арзонлаштириш — республика бутун экономикасини ривожлантиришга қўшимча омил бахш этиш демакдир. Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри **А. Ҳ. Ҳамидов** тармоқ коллективи ҳал этаётган биринчи навбатдаги вазифалар орасида Тошкент ва Ангрен ГРЭСларининг турбиналари теплофикация режимига ўтказилаётганлигини (йилига икки миллион тоннага қадар шартли ёқилғи тежалиши мавзу ишлаб чиқилмади, кашфиёт учун берилган буюртмалар умумий сонининг ярмидан камроғи ижобий ҳал этилмоқда.

Олимлар олдида бир қанча муҳим халқ хўжалик проблемалари турибди. Гидроресурслар, Қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш ана шу проблемалардан энг муҳимидир. Бироқ гелиотехника соҳасидаги тадқиқотларнинг натижалари шу вақтгача айрим ечимлар доирасидан чиқмай, амалий жиҳатдан кенг қўлланилмади.

Халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш соҳасида ишлаб чиқаришда материал сарфини камайтириш, хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда минерал ресурслардан самарали фойдаланиш комплекс программаси ишлаб чиқилмоқда, республика Фанлар академияси билан Олмалиқ шаҳридаги корхоналар ўртасида шартнома тузилди.

Илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан ўзаро алоқаси формалари, деди нотиқ, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасидаги энг заиф бўғиндир. Тажриба-экспериментал база ва академия институтларининг таъминланиши фан-техника тараққиётининг ўсган талабларидан анча орқада қолмоқда. Мавжуд илмий потенциалдан, асбоб-ускуналар ва приборлардан самарали фойдаланишга оид тадбирлар қабул қилиш зарур.

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг бош директори **И. Х. Мусин** энг янги техника ва илғор технологияни ўзлаштириш тажрибаси тўғрисида гапирди. Бирлашмада ҳозирнинг ўзидаёқ 26 бирликдан иборат роботлар парки ишлаб турибди. Бу эса 10 та қайта созланаётган линиядир. Роботлаштирилган комплекслар ва рақамли программа асосида бошқарилади ган станокларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш хизмати ташкил қилинди. Темирчилик, термо-галваника цехларида ва бошқа ишлаб чиқариш участкаларида кўпгина жараёнлар автоматлаштирилганлиги иш шароитини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Тошкент трактор заводида фан-техника тараққиёти бошқарув соҳасига ҳам таъсир ўтказиши керак, деб ҳисоблашади. Тегишли автомат бошқарув системаси жорий этилиб, унинг ёрдамида марказлаштирилган таъминот ва тайёрламаларни ҳисобга олиш йўлга қўйилган, транспорт воситаларидан фойдаланиш рационализация қилинган. Шулар ва бошқа тадбирлар меҳнат унумдорлиги юксак даражада — йилига 10 процент ўсишини таъминлади.

Бироқ буларнинг ҳаммаси партия ўртага қўйган янги талаблар нуқтаи назаридан ҳали етарли эмас, деди бош директор. Янги беш йиллик учун роботлардан фойдаланган ҳолда қайта созланаётган эпчил линиялар, қайта ишлаш марказлари ва бошқаларига энг қисқа вақт ичида чиқиб олишга имкон берадиган йўналишларни лойиҳалаш ва бошқаришни автоматлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Фан ва техникани ривожлантиришнинг асосий йўналишларига куч ва воситалар жамланганлиги энг муҳим камчиликлардан биридир, ғоят муҳим фундаментал проблемаларга етарли эътибор берилмаяпти. Кейинги ўн йил мобайнида кашфиётлар даражасидаги бironта ҳам мавзу ишлаб чиқилмади, кашфиёт учун берилган буюртмалар умумий сонининг ярмидан камроғи ижобий ҳал этилмоқда.

Олимлар олдида бир қанча муҳим халқ хўжалик проблемалари турибди. Гидроресурслар, Қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш ана шу проблемалардан энг муҳимидир. Бироқ гелиотехника соҳасидаги тадқиқотларнинг натижалари шу вақтгача айрим ечимлар доирасидан чиқмай, амалий жиҳатдан кенг қўлланилмади.

Кадрлар малакаси пастлиги электр станцияларнинг, айниқса иссиқлик электр станцияларининг иш самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Тошкент политехника институтида тайёрланган теплотехниклар ҳамиша ҳам юксак билим савиясига эга эмаслар. 300 мегаватт, келгусида эса ҳатто 800 мегаватт қувватли энергоблокларга тегишли даражада хизмат кўрсата оладиган ремонтчиларга келганда шуни айтиш керакки, уларни тайёрлаш умуман ташкилий тартибда олиб борилмаяпти. Ҳолбуки, республикадаги амалда барча электр станциялар қайта қуролланиш ва реконструкция қилишга муҳтождир.

Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **Р. С. Ашуралиев** ҳам ўз нутқида фан-техника тараққиётига тўғаноқ бўлаётган эскириб қолган бошқарув формалари тўғрисида гапирди. Тадқиқот институтлари ва корхоналари, деди у, қўйидан юқоригача ўз идораларига бўйсуниб, одатда ўзаро алоқа ўрнатишмайди, бу эса илғор тажрибани ҳатто бир шаҳар ёки район доирасида оммалаштиришга тўсқинлик қилади. Область ижроия комитетларида ҳузурида ишлаётган ҳамда ваколатлар ва тегишли юридик статус берib ўйилган махсус органлар ишни ўнглаб олишда ёрдам берган бўлур эди. Ана шу органларнинг хулосалари тавсиялар руҳида эмас, балки ижро этиш учун мажбурий кўрсатмалардан иборат бўлиши керак. Қайта қуриш зарурлигини фактлар исботлайди: масалан, Самарқанд областида саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ўстириш суръатлари кейинги вақтларда уч баравар пасайди, асосий фондлар секинлик билан алмаштирилмоқда: йилига 3 процентдан ошмаяпти. Қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, картошкачилик ва айниқса тамакикорлик каби тармоқларида қўл меҳнати улуши асоссиз равишда ошиб кетган. Бундай аҳволга барҳам бериш, инженер меҳнатининг обрў-эътиборини, ишлаб чиқаришда мутахассиснинг роли ва масъулиятини ошириш зарур.

Ҳозирги вақтда республика Фанлар академиясида илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш ва тубдан яхшилаш соҳасида конкрет тадбирлар амалга оширилмоқда, деди Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти **П. Қ. Ҳабибуллаев.** Ядро физикаси ва радиохимия, ахборот ва ҳисоблаш техникаси, янги техника ва технологиянинг илғор марказлари ва арзонлаштириш ва ишлаб чиқаришнинг ҳаммасига ёрдам беради. Афтидан, область, шаҳар, район партия комитетлари ҳузурида шундай кенгашларни тузиш фойдалидир.

Партия ташкилотлари амалий фаолиятда хўжалик механизмига таъсир ўтказишнинг барча воситаларидан кенгроқ фойдаланишлари керак. Қабул қилинаётган қарорлар бажарилишини текширишга алоҳида эътибор бериш даркор.

Биз КПСС Марказий Комитети 1985 йил июль Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети учинчи сессиясининг ҳужжатлари асосида ишни сабот билан такомиллаштиришимиз, **халқ депуталари маҳаллий Советларининг** имкониятларидан фойдаланилаётганлигини ва бошқа кўпгина ишларни айтиб ўтди. Нотиқ муваффақиятсиз лойиҳа ечимларини ва янги генератор қувватлари қурилишининг суръатлари қониқарсиз эканлигини кўрсатиб ўтди

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

1885 йил

ХАЛҚҚА БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ

1985 йил

Мамлакатимиз меҳнаткашлари ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, содиқ ленинчи, оташқалб коммунист ва изчил интернационалист Йўлдош Охунбобоев туғилган куннинг 100 йиллигини нишонламоқдалар.

Йўлдош Охунбобоев йигирманчи аср бошидаги инқилобий портлаш даврида шаклланди ва профессионал революционерга хос фазилатларни орттирди. У Ўзбекистон Коммунистик партияси ва Ўзбекистон ССРнинг ташкилотчиларидан бири бўлди. Ўзбекистон Советларининг биринчи таъсис қурултойида республика Марказий Ижроия Комитети Раислигига сайланди. Партия ва халқ иродаси билан республика ҳокимиятининг олий органига бош бўлган Йўлдош Охунбобоев шу вазифада умрининг охиригача фидокорона меҳнат қилди. Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий равнақига жуда катта ҳисса қўшди.

Халқ бахт-саодати учун астойдил курашчи бўлган Йўлдош Охунбобоевнинг ҳаёт йўли, жўшқин фаолияти партияга, Ватанга чексиз садоқатнинг ёрқин намунасидир. У Ўзбекистондагина эмас, балки Иттифоқимизнинг ҳамма жойида зўр обрў-эътибор қозонган эди. Унинг СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлигига сайланганлиги шундан далолатдир. Таниқли партия ва давлат арбоби Йўлдош Охунбобоевнинг порлоқ хотираси миннатдор авлодлар қалбида абадий яшайверади.

Суратда: Йўлдош Охунбобоев VI чақириқ СССР Советлари Марказий Ижроия Комитети II сессиясининг қатнашчилари орасида. 1931 йил.

• В. И. ЛЕНИН МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИДА

● Ўзбек халқининг содиқ фарзанди, ленинчи большевик, изчил интернационалист, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биринчи Раиси Йўлдош Охунбобоев туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида унинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи катта кўчма кўргазма ташкил этилди.

Кўргазма республикамиз нинг барча область ва районларида намойиш этилмоқда. Уни биринчи бўлиб Йўлдош Охунбобоевнинг юртдошлари — Маргилон ва Фарғона меҳнаткашлари кўришга муяссар бўлдилар. Сўнгра кўргазма билан республиканинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари меҳнаткашлари танишдилар.

Халқ оқсоқолининг биринчи беш йилликлар давридаги, республикамизда индустриалаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революцияни амалга оширишдаги қайноқ фаолияти ҳужжатлар, фотосуратлар орқали кенг ёритилган.

Ф. МИРРАҲИМБОЕВА,
В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг илмий ходими.

ОТА НОМИ ДИЛЛАРДА

Ҳар куни ишга отланиб, колхозимиз идораси томон борар эканман, кўпдан-кўп ҳамқишлоқларимни учратаман. Уларнинг хушвақт қадам ташлашлари, очиқ чеҳраларига қараб туриб, тобора равнақ топиб бораётган хўжалигимиз истиқболидан одамлар мамнунлигидан, ўзининг фаровон турмушидан мамнунлигидан қониқиш ҳис этаман. Колхозимиз аъзолари, — ким қаерда меҳнат қилишидан қатъи назар, — пахтачиликни, чорвачиликни, бошқа тармоқларни юксак маром билан ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар учун ҳар кун — зарбдор. Зеро, бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки колхозимиз Ўзбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев номи билан аталади.

Владимир Ильич Ленин Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозониб, асрлар бўйи зулмат чулғаб келган Россия бўйлаб янги ҳаёт дадил одимлай бошлаган ўша дастлабки кезлардаёқ шундай деб ёзган эди: «Биз миллион-миллионларнинг дилида ўз кучига ишонч уйғотдик ва ғайраттижоат ўтини ёқдик». Дилида янги ҳаёт нашидаси жўш уриб, уни барпо этишга отланганлар, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ғайрат-шижоат билан қураш бошлаганлар, ўзлигини намоён этмоқ учун социал-иқтисодий тараққиёт довонларига шижоат билан қадам қўйганлар орасида Йўлдош Охунбобоев ҳам бор эди. Социал ўзгартишлар фарғоналик батракни ижтимоий ҳаётнинг олдинги жабҳасига олиб чиқди. Ленин ғояларини, социализм қуриш ғояларини қалбига жо қилиб, у умрининг сўнгги дақиқаларигача революционерлар сафида борди, унинг ҳаёт намунаси ҳозиргача ва бундан кейин ҳам партияга ва халққа чексиз садоқатнинг ажойиб намунаси бўлиб қолаверади.

Колхозимиз аъзолари республикамизнинг барча меҳнаткашлари сингари асл деҳқон, қишлоқ меҳнаткашларининг орзу-умидлари дилига ҳаммадан яқин бўлган ажойиб инсоннинг номини, унинг Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш учун олиб борган серқирра ишларини асло унутишмайди.

Ота орзулари рўёбга чиққан даврда яшамоқдамиз. Қатрада қуёш акс этади деганларидек, хўжалигимиз мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Қишлоқларимизнинг бугунги қиёфаси, колхозимизнинг иқтисодий баркамоллиги дилларни қувонтиради. Деярли икки ярим минг гектар майдонда деҳқончилик қиламиз. Янгирик машина-трактор паркимизда неча ўнлаб трактор, пахта териш машиналари, автомобиллар, бошқа серунум қишлоқ хўжалик машиналари бор. Ўтган йили ҳосилдорликни 36 центнерга етказдик. Етиштирилган ялпи пахтанинг 3600 тоннаси ёки 85 проценти машиналарда териб олинди. Ҳар бир терим машинаси билан ўртача 150 тоннадан пахта териб олдик.

Агар ўттизинчи йилларнинг охирларида колхозимизда пахта ҳосилдорлиги 10-12 центнерни ташкил этганлигини ҳисобга олсак, ҳозирги ўсиш кўзга айниқса яққол ташланади. Деҳқончиликнинг бошқа соҳаларидаги ютуқларимиз ҳам йил сайин салмоқли бўлиб бормоқда. Канопзорлардан муттасил 200 центнердан ошириб хирмон кўтаряпмиз.

Колхозимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига зарбдор вахтага туриб, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» ватанпарварлик ҳаракатига қўшилиб, колхозимиз аъзолари дала ва фермаларда фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Ҳар тонг катта йўлдан ўтиб, идорага кириб бораётганимда, пахта даласидами, чорва фермасидами, гараждами одамлар билан суҳбатлашаётганимда, алоҳида бир туйғу менга тетиклик бағишлаб туради. Одамлар ҳалол ва самарали меҳнат қилиб, Отадек яшаш, ўз бурчига Отадек садоқат билан хизмат қилишга интилмоқдалар.

М. РЎЗМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ЖАНГОВАР ТОПШИРИҚ

Ўзбек халқининг шонли фарзанди Йўлдош Охунбобоевнинг Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашдаги хизматлари ҳам улкандир. У урушнинг дастлабки кунлариданоқ ўзининг бутун куч-ғайратини фронтнинг мамлакат ички ишлари билан алоқасини мустаҳкамлашга қаратди.

Ота билан 1943 йилнинг бошларидаги учрашувимиз менда ёрқин хотира бўлиб қолган. Февраль ойи эди. Ўзбек жангчилари делегацияси Тошкентга келди. Улар «Ўзбек халқидан ўзбек жангчиларига хат»га «Ғарбий фронтнинг ўзбек жангчиларидан жавоб хати»ни олиб келишган эди. Бу хатда жангчилар она-Ватанга, партияга, Ўзбекистон ҳукуматига уларнинг топшириқлари қандай бажарилаётганлигини баён қилган эдилар.

Жангчилар делегацияси республикамизнинг завод ва фабрикаларида, колхоз ва совхозлари, мактаб ва олий ўқув юртларида бўлиб, ўзбекистонлик йигитларнинг жанговар ишлари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Урушнинг қайноқ ўчоқларидан келган жангчилар делегацияси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, Ўзбекистон ССР Министрлар Советида, республика комсомоли Марказий Комитетида қабул қилиндилар. Шунингдек, улар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Йўлдош Охунбобоев уйида бўлдилар.

Халқ оқсоқоли жангчиларнинг ҳикоясини ҳаяжон билан тинглади, фронтни замонавий қурол-яроғлар, самолёт ва миномётлар билан таъминлаш учун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Ҳаракатдаги армияга қайтиб боргач жангчилар отанинг топшириғини бажариш учун зўр ғайрат билан жангга киришдилар. Жумладан, 1943 йилнинг мартида Ғарбий фронтдаги жангларда еффрейтор Эргаш Рўзиев тўплар учун қулайроқ ўт очиш жойи ахтара туриб душман разведкачиларига дуч келди. У ўйлаб ўтирмасдан Йўлдош ота ҳадя этган пичоқни ишга солди. Унинг ёнида бораётган оддий аскар Рижов милтиқ қўндоғи билан уриб, иккинчи фашистни қулатди.

Шундай қилиб, артиллерия учун қулай жой танланди. Рўзиев батареяси шиддатли ўт очиб душманнинг ўта мустаҳкамланган олтита ўт очиш нуқтасини ва ўттизга яқин солдат, офицерини сафдан чиқарди. Шу пайтга келиб Э. Рўзиев ер тишлатган фашистлар 157 тага етди. Бунинг учун у Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

Делегациянинг бошқа аъзолари ҳам Йўлдош Охунбобоевнинг жанговар топшириғини шараф билан адо этдилар.

М. АБДУЛЛАЕВ,
истеъфодаги гвардия подполковниги, 69-Севск дивизиясининг ветерани.

СЕРҚИРРА УМР

Марғилондаги Й. Охунбобоев мемориал музейидан репортаж

Бу музейда экспонатлар ҳадсиз-ҳисобсиздек туюлади. Лекин шулар орасида биттаси узоқ вақт киши хотирасида қолса керак. Деворларни лойсувоқ ҳам қилимаган мўъжаз гувала уй. Дераза ўрнида ягона ёғоч дарча.

Халқ донишмандлигини ўзида мужассамлаштирган республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев Марғилон уезди нинг Жўймозор қишлоғидаги ана шундай кулбада туғилиб ўсган эди. У болалигида, бойларнинг хизматини қилиб юрган чоғларидаёқ халқнинг хўрланаётган, дунё тенгсизлик ва адолатсизлик асосига қурилганини яхши англаб етган эди. Шунинг учун ҳам 1916 йилда Туркистонда чоризм ва маҳаллий ҳукмдорлар зулмига қарши халқ қўзғолони бошланганда Й. Охунбобоев бу ҳаракат етакчиларидан бири сифатида майдонга чиқди. Музейдаги қатор фотосурат ҳамда расмларда халқимизнинг буюк инқилоб арафасидаги ҳаёти ва кураши, синфий жанглар таъсирли ифода этилган. Буларда халқ орасидан чиққан ва меҳнаткашлар манфаати йўлида курашга бел боғлаган Йўлдош аканинг ёрқин образи яққол кўзга ташланиб турибди.

Музейдаги кўпдан-кўп ашёлар халқ етакчисининг бутун ҳаёти инқилоб ғалабаларини сақлаб қолиш, босмачи тўдаларни тор-мор этишга бағишланганлигини акс эттирган. Й. Охунбобоев 1919—1920 йилларда босмачиларга қарши «Қизил таёқчилар» отрядларини ташкил этди. Айни замонда Марғилонда «Қўшчи союзи» тузиб, уни бошқарди. Яна бир суратда Й. Охунбобоевни босмачи тўдаларга қарши курашаётган кавалерия қисмлари жангчилари орасида кўриш мумкин. Ўша шиддатли ва зиддиятларга тўла даврда Йўлдош Охунбобоев халқнинг кенг қатламларини янги давр, бахтли замон учун курашга отлантира билганлигини яққол сезиш мумкин.

Музей залларида экспонатлар 20-йилларнинг қатор муҳим воқеалари, ўткир проблемаларидан сўзлайди. Гап шундаки, Фарғонада ана шу воқеалар марказида Йўлдош Охунбобоев ва унинг жанговар сафдошлари турардилар. 1925 йилда область меҳнаткашлари уни Ўзбекистон Советларининг I Таъсис съездига, Фарғона коммунистлари эса Ўзбекистон Компартиясининг I съездига делегат қилиб сайладилар. Советларнинг I съездида Йўлдош Охунбобоев Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси этиб сайланди. Ана шу ҳаяжонли дақиқаларга акс эттирилган фотосуратлар ҳамда бошқа ҳужжатлар олдида узоқ тўхтаб қолади, киши.

1925—1926 йилларда республикамиз ҳаётида ҳам улкан тарихий воқеалар рўй берганлиги маълум. Бу ер-сув ислоҳати эди. Мемориал музейда ана шу воқеага доир ҳужжатлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Биз бу ерда шундай ёзувларни ўқиймиз: «Ер-сув ислоҳоти натижасида 4629 помешчик хўжалиги тугатилди. 22 минг 881 хўжаликдаги ортиқча ерлар тортиб олинди». Қўлам ва миқёслари кенг, катта сабот-матонат, тадбиркорлик талаб этадиган бу ишлар тепасида Марказий Ижроия Комитет Раиси Йўлдош Охунбобоев турган эди. Бу иш муваффақиятли тугалланганлиги муносабати билан у Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Бу ҳақда газетада эзлон қилинган Фармон ҳам экспонатлар орасидан ўрин олган.

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатларни кўздан кечирган киши яна бир ҳолатга эътибор бермай қололмайди. Фотосуратларда Й. Охунбобоевни колхозчи-деҳқонлар, Қизил Армия жангчилари, олим ва ёзувчилар, санъаткорлар, қурувчилар, мактаб ўқувчилари орасида кўриш мумкин.

Халқимизнинг севимли фарзанди Йўлдош Охунбобоев ҳаётининг сўнгги дамларигача халқ орасида бўлди, мамлакатимиз қудрати ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида курашди. Унинг жўшқин ва мазмунли ҳаёти партия ва халқ ишига садоқатнинг ажойиб намунасидир.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР

(Боши учинчи бетда).

кучи унумсиз сарфланмоқда. Бу соҳада «Сельхозтехника» талабчан бўлиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ходимларининг манфаатларини актив ҳимоя қилиши керак.

Қурилишнинг смета қийматини камайтириш, меҳнат чиқимларини тежаш, металл ва цемент сарфини қисқартириш — мана шуларнинг ҳаммаси қурилиш ишлари бошланмасданоқ, лойиҳа ечимларига асос қилиб олиниши керак. Бу соҳада вариантли лойиҳалаш ҳажмини ошириш лойиҳа ишларини кенг миқёсда автоматлаштириш муваффақиятга олиб боради, деб таъкидлади «Ўзгипротяжпром» институтининг директори **Н. Ҳ. Ҳикматуллаев.** Айрим ҳисоб-китобларни автоматлаштириш ҳам тегишли периферия қурилмалари мажмуасига эга бўлган ЭҲМ негизида лойиҳалашнинг комплекс технология линияларини жорий қилишга ўтиши таъминланиши зарур деди у. Институт дисплей станциясини, графопростроитель ва бошқа зарур техникани қанчалик тез олса, янги технологияга шу қадар тезроқ ўтади. Бу нарса яқин йиллардаги техника етказиб бериш планига киритилиши керак.

Н. Ҳ. Ҳикматуллаев умумий инженерлик коммуникациялари ва ёрдамчи объектлар системасига эга бўлган ягона саноат узеллари барпо этилган тақдирда лойиҳа ечимларининг тежамлилиги юқори бўлишини уқтирди. Республикада 3 та мана шундай узел барпо этилган ва яна 9 таси қурилмоқда, келгусида янги-янги мана шундай узеллар қурилади. Нотиқ Ўзбекистон ССР Госпланига Белоруссиянинг намунаси асосида саноат узеллари махсус бўлими ёки кичик бўлимини тузиш тўғрисидаги масалани қўяди. Шаҳарларнинг бош планларида саноат зоналарини барпо этиш практикаси ҳам кенгайтирилиши зарур: бу нарса шаҳарни ривожлантириш манфаатларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини тўлиқроқ эътиборга олиш имконини беради. Яна бир муҳим резерв: Ўзбекистон учун объектларни мамлакатнинг турли республикаларидаги 200 тадан кўпроқ институт лойиҳалаштирмоқда, зилзилага қарши эҳтиёт чоралари кўриш вазифалари ҳамма жойда турлича ҳал этилмоқда. Ер ости силкинишларидан муҳофаза қилишга оид қурилиш ечимларига бир хил талаблар қўйиш вақти келди.

Район агросаноат бирлашмаси тузилганидан кейин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, уни индустриал изларга қўйиш анча жадаллашди, деб уқтирди Сурхондарё область Ленин йўли район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси **Б. Ж. Жўрақулов.** У район хўжаликларида агросаноат бирлашмасининг таъминоти билан жорий қилинган илғор агротехника усуллари ҳақида батафсил гапириб берди ва ўз ҳикоясини қилинган ишларнинг якунлари тўғрисидаги материаллар билан мустаҳкамлади. 1980 йилда район хўжаликларининг рентабеллиги ўрта ҳисобда 16 процентни ташкил қилган бўлса, 1984 йилда 91 процентни ташкил этди. Айни вақтда меҳнат унумдорлиги қарийб 15 процент ошди, хўжаликларнинг фойдаси ва деҳқонларнинг иш ҳақи сезиларли равишда кўпайди.

Бироқ ишлаб чиқаришни такомиллаштириш резервларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаганлиги Б. Ж. Жўрақуловнинг нутқидан кўриниб турибди. КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда уқтириб ўтилганидек, район агросаноат бирлашмаси иш услубининг ўзи ҳали замонавий талабларга тўла-тўкис жавоб бермайди, чунки бирлашмаларнинг мустақиллиги чеклаб қўйилган. Хўжаликлар ўзларининг юқори тармоқ муассасаларига бўйсунади, агросаноат бирлашмасининг кенгаши эса улар пул билан қандай таъминланаётганлиги, уларга нималар планлаштирилаётганлиги, қандай моддий-техника ресурслари ажратиб берилаётганини кўпинча билмайди. Мана шундай шароитда мавжуд ресурслардан район агросаноат комплексининг манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш ҳақида нима ҳам деб бўларди? Шу сабабга кўра, район агросаноат бирлашмаси бир қанча ҳолларда ўз таъсирини ўтказа олмаяпти, бу эса умуман, унинг ишидаги самарадорликни пасайтириб юбормоқда, албатта. Бунинг устига бирлашма мутахассисларининг ўзлари саб завот, картошка, мева, узум етиштиришни механизациялаш сингари масалалар билан ҳали суст шуғулланмоқдалар. Ҳолбуки районда мана шундай экинларга ажратиладиган майдонлар кўпайиб бораверади.

5400 коммунистни ўз сафида бирлаштирган Олмалиқ партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга оид талабларини амалга ошириш учун аниқ мақсадни кўзлаб ишламоқда, деди Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мирқосимов.** Масалан, айни шу иш кон-металлургия комбинати коллективининг мамлакатда энг арзон ва энг юқори сифатли мис ишлаб чиқаришини таъминлади. Олмалиқ химиклари олимлар билан ҳамдўстликда жаҳон практикасида биринчи марта энг кам маъданли фосфор рудалар таркибидан аммофос олиш технологиясини жорий қилдилар. Қилинган ишлар бизни қувонтирса-да, аммо келгусида партия революцион силкиншлар, техника ва технологияда тез ва самарали тараққиётга эришиш йўлидан боришни талаб қилмоқда. Ҳатто кон-металлургия комбинатида ҳам реконструкция учун сарфланган маблағдан ҳали ҳеч ким кўп самара олинаётгани йўқ. Лойиҳа ечимларидаги камчиликлар, қурилиш-монтаж ишлари чўзилиб кетаётганлиги бунинг сабабидир. Шаҳар партия ташкилоти ишидаги нуқсон ҳам маълум бўлиб қолди: биз турдош тармоқларда ҳозир пухта, юқори самарали жараёнлардан фойдаланиётганини билсак ҳам, орттирилган тажрибадан фойдаланиш ҳақида ғамхўрлик қилмадик, идоравий тўсиқни бартараф эта олмадик. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш учун қураш ҳозирча суст олиб борилмоқда. Шунинг оқибатида, хусусан, руда таркибидаги миснинг анчагина қисми ажратиб олинмай, тупроққа қўшиб ағдариб ташланмоқда.

Бундай ҳодисалар такрорланмаслиги учун фан билан ишлаб чиқаришнинг боғланишини янада мустаҳкамлаш зарур. Олмалиқда кон-металлургия комбинати билан «СредазНИИпроцветмет» институти негизида илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этиш учун шароит бор.

Нотиқ сўзининг охирида шаҳар партия ташкилотининг «Б» группа корхоналари ишини яхшилашга оид режаларини, Олмалиқни комплекс тарзда қуриш проблемаларини гапириб берди.

КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда импорт структурасини такомиллаштириш, машинасозлик даражасини ошириш зарурлиги тўғрисидаги масала ўткир қилиб қўйилди. Ўртага қўйилган вазифанинг муҳимлиги тармоғимиз мисолида яққол кўринib турибди, деди Наманган абрли газламалар комбинатининг директори **С. Т. Тўхтабоев.** Комбинат таъминланган чет эл машина-ускуналари эскира бошлди, Ватан саноати эса шундай машиналарни ҳамон таклиф этмаяпти. Натижада бекор туриб қолишлар ошмоқда, ремонтга харажатлар кўпаймоқда. Нотиқнинг фикрича, Ўзбекистон Енгил саноат министрлиги янги пиллакашлик машиналарини ясаш ва жорий этиш тўғрисидаги ғамхўрликни ўз зиммасига олиши керак. Иккинчи томондан, ипакчилар селекциячиларидан, республика колхоз ва совхозларининг меҳнатчиларидан пилла қуртининг анча сермаҳсул зотларини ва қурт боқишнинг илғор технологияларини жорий этишни кутмоқдалар, бу эса пилланинг сифатини ошириш имконини беради. Тайёрловчи ва қайта ишловчи тармоқларнинг идоравий тарқоқлиги хом ашё сифатига салбий таъсир қилмоқда. Агросаноат бирлашмалари тузилса, пилла пахтага нисбатан жорий этилганидек, ундаги ипакнинг миқдори ва сифатига қараб қабул қилинса бўлур эди.

Ҳар йили республикада ипакни қайта ишлашда технологик жиҳатдан муқаррар бўлган 2 минг тоннагача чиқит ҳосил бўлмоқда. Ана шу чиқитларнинг 85 процентга яқини хом ашё сифатида арзимас нарх билан чет элларга сотилмоқда. Ваҳолонки, биз ўзимиз уни қайта ишлашимиз, қўшимча 40 миллион сўмлик юқори сифатли газлама олишимиз мумкин бўлур эди. С. Т. Тўхтабоев ипак чиқитларидан фойдаланишни кенгайтириш тўғрисидаги масалани республика Госплани ва Енгил саноат министрлиги олдига қўяди. Бунинг учун технологик имкониятлар мавжуддир.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (САИМЭ)нинг директори **А. Ҳ. Ҳожиев** ўз нутқининг асосий қисмини пахта териш машиналарининг ишини анализ қилишга бағишлади. Машина терминнинг муваффақияти деди у, ерни чигит экишга тайёрлаш давридаёқ белгиланади, ўнлаб ХНП-1,8 машиналари бултур хўжаликларда кенг миқёсда синалган пайтда бу нарса яна бир бор исботланди. Далалар тўғри тайёрланган ва машина терими тўғри уюштирилган тақдирда пахтанинг сифати ҳам, ундан ажратиб олинадиган тола ҳам, калава ип ва газламанинг сифати ҳам пасаймайди. Демак, гап саводли агротехникани кенг жорий қилиш ҳақида, малакали механизатор кадрлар тайёрлаш тўғрисида, машина терими жараёнининг ўзи устидан контроллик қилиш тўғрисида бормоқда. Бегона ўтлар машиналардан фойдаланишга жуда ҳалақит беради; пахтачилик гербицидларнинг белгиланган турларини кенгайтиришга муҳтож — бу ҳам машинада пахта теришни кенг жорий қилишнинг резервидир.

А. Ҳ. Ҳожиев СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг заводлари Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган янги техникани ишлаб чиқаришни асоссиз равишда пайсалга солаётганликларини кўрсатиб, институтнинг ўзида ҳам ҳал этилмаган проблемалар борлигини уқтириб ўтди. Илмий-ишлаб чиқариш базасининг заифлиги оқибатида янги машиналарнинг тажриба нусхаларини ва оз серияларини оператив ишлаб чиқаришчи йўлга қўйишнинг иложи бўлмаяпти. Аммо асосий проблема шунинг ўзидангина иборат эмас. Бу соҳадаги тарқоқлик ҳам ишимизга ҳалақит бермоқда, чунки пахта етиштиришнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш билан турли идораларга бўйсунувчи ташкилотлар шуғулланиб келмоқда. Республиканинг бутун қишлоқ хўжалиги фанини битта идорада — ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими системасида бирлаштириш зарурати алдақачон пишиб етилган, деб ҳисоблайди нотиқ. Шундай қилинса, илмий изланишларни бошқариш осонлашган бўлур эди, бутун илмий кучларни зонамизнинг агросаноат комплекси энг актуал проблемаларини ҳал этишга жамлаш имконияти туғилган бўлур эди.

* * *

Актив йиғилишининг қатнашчилари якдиллик билан резолюция қабул қилдилар. Бу резолюцияда КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланиб ўтказилган кенгашда ўртага қўйилган вазифаларни амалга ошириш тадбирлари белгиланди.

(ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

Р. 05925. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. ИНДЕКС 64583. А. — 153. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12